

336

336.22(07)

Т 87


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

III. III. ТҮРАЕВ

*Соликлар
статистикаси
(ўқув қўйланма)*

2033510



«Akademiya» нашриёти
ТОШКЕНТ - 2004

119820

Масъул мухаррир:

Иқтисод фанлари доктори, профессор **Н. М. Маҳмудов**

Тақризчилар:

О. К. Иминов – иқтисод фанлари доктори, Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Олий бизнес мактаби «Молия» кафедраси мудири

Б. К. Гойибназаров – иқтисод фанлари номзоди, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Статистика» кафедраси доценти

Х. Қурбонов – Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Молия ва соликқа тортиш» кафедрасининг катта ўқитувчиси

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Ўқув - услугубий Кенгаши томонидан ўқув жараёнида қўллаш учун тавсия этилган.

III. III. Тўраев. Соликлар статистикаси. Ўқув қўлланма
“Akademiya”. Т. 2004 йил.

Ушбу ўқув қўлланмада солик статистикаси фанининг предмети, обьекти, вазифалари ва кўрсаткичлар тизими ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида соликлар статистикасини ташкил этиш ва соликларни статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилиш баён этилган.

Қўлланма касб-хунар коллажларининг иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича билим олаётган талабалар ва шу соҳага қизиқувчилар учун мулжалланган.

«Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади»

И.А.Каримов

Кириш

Иқтисодий муносабатлар даврида солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловларини ўз вақтида ҳамда тўла амалга ошириш республика бюджетини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда тўлақонли бозор иқтисодиётини яратиш соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар барқарорлиги бюджет муносабатларига ижобий таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси бўлган солиқ тизимини тартиблаштиришни, унинг самарадорлигини оширилишини талаб қилмоқда. Чунки бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатини амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш давлатнинг солиқ сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқтарни чукур урганиш, уларни такомиллаштириш учун қатор дастурлар ва ҳар қандай жамиятда статистик таҳлил қилиб бориш жуда зарур.

Аммо солиқларни статистик таҳлил қилиш усуллари иқтисодий адабиётларда ҳамон тўлиқ ёритилмаган. Бироқ амалиёт, ҳаёт бундай таҳлилларни олиб боришни тақозо этмоқда. Шуни инобатга олиб бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши ва таракқиёти асосида маълум таҳлиллар ва изланишлар ётади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз ўзининг пул, кредит, молия тизимиға эга бўлди. Шу қаторда солиқ сиёсатини ҳам олиб бормоқда ва ривожлантирмоқда. Солиқлар давлатнинг қатор вазифларини бажариш учун молиявий

манба бўлиб хизмат қиласди. Солик тушумларини ва унга таъсир этувчи омилларни атрофлича баҳолашда статистика усулларидан фойдаланиб таҳлил қилиш керак. Ушбу ўкув қўлланмада соликларни статистика усулларидан фойдаланиб таҳлил қилиш усуллари ёритилган. Ўкув қўлланмада соликларнинг иқтисодий моҳияти, миллий ҳисоблар тизимида соликлар классификацияси, соликларни статистик таҳлил қилишда уларнинг маълумот манбалари, кўрсаткичлар тизими, соликларни макроиктисодий даражада таҳлил қилиш, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган соликларни статистик таҳлил қилиш усуллари кўрсатиб ўтилган. Аммо ўкув қўлланма ушбу соҳада *иљк адабиётлардан* ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, у камчиликлардан ҳоли эмас. Муаллиф ўкув қўлланма тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни миннатдорлик билан қабул қиласди.

Муаллиф ўкув қўлланмани тайёрлашда ӯзининг беминнат маслаҳатларини берганликлари учун Ўзбекистон республикаси Марказий Банки тасарруфидаги Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи директори, иқтисод фанлари номзоди F. Р. Топиловга ва Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Статистика» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори X. Н. Набиевларга чукур миннатдорчилик билдиради.

Дунёда илмдан бошқа
нажот йўқ ва бўлмагай!
Имом Бухорий

I-Бўлим

Солиқ статистикасининг назарий асослари

1-боб. Солиқ статистикаси фанининг предмети, методи ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг бюджет, пул, молия-кредит тизимига эга бўлди. Шу қаторда ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб бормоқда. Чунки бюджет муносабатларини шакллантиришда муҳим восита солиқ тизими ҳисбланади. Республика-мизда солиқ тизими йилдан-йилга такомиллашиб, унинг давлат бюджети даромадларидағи салмоги ортиб бормоқда. Аммо бу тушумлар ортиши ёки камайиши, айrim солиқ турлари динамикаси кескин ортиши ва уларни доимий равишда ўрганиб бориш, ўз усуллари ёрдамида таҳлил қилиш бугунги кунда солиқ статистикаси фанига юқлатилган.

Солиқ статистикаси фанини ўқитиши солиқ амалиётида адашмаслик, унинг тушумлари ортиб боришига ёки камайишига қандай омиллар таъсир этади ва келажакда солиқ кўрсаткичларини башоратлашща базис даври кўрсаткичларидан фойдаланиб режалаштириш ва катта мувафақиятларга эришиш учун ҳам зарурдир.

Солиқ статистикаси фани иқтисодиёт назарияси ва статистика фанлари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки солиқ статистикаси фанининг қонуниятлари умумиқтисодий назария ва статистика фанлари қонуниятларидан четга чиқиб кетолмайди, улар асосида иш кўради. Бу фан молия, солиқка тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва олий математика

фанлари билан ҳам узвий бөглиқ ва у мазкур фанлар усулларидан фойдаланади ва таҳлиллар олиб боради.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида корхоналар, фуқаролар ва давлат ўртасидаги алоқалар фақатгина солиқ орқали амалга оширилади. Солиқ давлат учун ҳам, корхона ва фуқаролар учун ҳам мухим аҳамиятга эга саналади. Чунки соликларни тұлаш, уларни таҳлил қилиш ҳар қандай жамиятнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Солиқ статистикаси фанининг предметига тұхталадиган бұлсақ, бу иккала фан олдига құйған вазифалардан келиб чиқади. Ҳар қандай фан ҳам үз предметига ва ўрганиш обьектига эга бўлиши керак. Статистика фани ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни, уларнинг миқдорий томонларини сифатидан ажратмаган ҳолда ўрганади. Агар ҳодисаларнинг фақат миқдор томони ўрганиладиган бўлса, у бу ҳодисанинг фақат рақамлардаги ифодаси бўлиб, унинг қандай қилиб бу ҳолатга келиб қолганлиги ёки унга таъсир этган омилларни кўрсата олмайди. Миқдор сифат билан жамланган вақтда ҳар қандай иктисодий ҳодиса ягона бир бутунликда ҳодиса меъёрини ҳосил қиласи ва ҳар қандай иктиносидий кўрсаткич сифат ва миқдорий томонларнинг ягона бирлигига гавдаланади. Солиқ кўрсаткичлари ҳам иктиносидиётнинг бир таркиби. Солиқ назарияси фанининг предмети эса соликлар ҳаракатини ўрганишdir. Демак, юқоридаги таърифларга таяниб иш кўрадиган бұлсақ, **солиқ статистикаси фанининг предмети бўлиб, солиқ тизимидағи ҳодиса ва жараёнларни аниқ бир макон ва замонда, уларнинг миқдор томонини сифатидан ажратмаган ҳолда ўрганади**. Яъни у солиқ тизимидағи воқеа, ҳодиса ва жараёнларни аниқ географик ҳудудда, маълум йиллар давомида миқдор томонларини ва бу миқдорларга таъсир этувчи омилларни биргаликда яхлит ўрганади. Бу ўрганишда солиқ статистикаси усулларидан фойдаланиб таҳлил қиласи ва резжалаштиради.

Фанининг обьекти бўлиб, солиқ ва соликқа тортиш тизимидағи воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳисобланади.

Ҳар қандай фан үз обьектини маълум усуллар ёрдами-

да ўрганади. Барча фанлар учун умумий усул - диалектика усулидир. Чунки, бу усул ижтимоий ҳодисаларни ривожланиш жараёнида, ўзаро боғланган ҳолда ўрганишни тақозо этади. Ижтимоий-иктисодий ҳодисаларда содир бўладиган барча ўзгаришларни туб сабаби уларнинг ўзаро таъсирида бўлишидандир. Яъни, бирор ҳодиса ва жараёнларни ўрганаётганда ўзини алоҳида эмас, балки у нималар билан боғланган, шу боғланган жараёнлар билан ўрганиб, уларнинг шу ҳодисалар ўзгаришидаги салмоғини аниқлаб таҳлил қиласди.

Солиқ статистикаси диалектика қонунларига асосланиб, ўзининг хусусий усулларини яратган. Улар қуидагилардан иборат:

1. Солиқ тизимида олиб бориладиган статистик кузатиш. Бу усулда солиқ тизимида маълум кузатиш ишларини амалга ошириш лозим. Бу кузатиш тўпламни ёппасига ва танланма кузатиш асосида олиб борилади. Ёппасига статистик кузатишни ҳар қандай вақтда ҳам амалга ошириш қийин, чунки бу жуда кўп маблағ ва вақт талаб қиласди. Шунинг учун танланма кузатиш ишларини йўлга қўйиш керак. Кузатиш вақтида маълум вилоят, туман ва алоҳида корхоналарни танлаб олиб, атрофлича статистик таҳлил қилиб бош тўпламга тарқатиш мумкин. Бунда кузатиш атрофлича, тўлалигича амалга оширилиши керак. Маълумотлар тўпланаётганда уларнинг савияси ўрганилаётган объект учун муҳим ва аниқ бўлиши лозим. Акс ҳолда, бутун бир тизим учун нотуғри хулоса чиқарилади.

2. Кузатиш материалларини гурухлаш. Бу усулда солиқ тизимида кузатиш материаллари асосида йифилган маълумотлар гурухларга ажратилади.

3. Турли умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш. Бунда статистика усулларидан кенг фойдаланилади, яъни мутлоқ ва нисбий микдорлар, ўртача микдорлар, индекслар, динамика қаторлари, корреляцион таҳлил усулларидан фойдаланиб таҳлил қилинади. Буларнинг натижаси сифатида солиқ тушумлари ва уларга таъсир этувчи омиллар, корхоналар ва фуқаролар тўлайдиган солиқлар даро-

да ўрганади. Барча фанлар учун умумий усул - диалектика усулидир. Чунки, бу усул ижтимоий ҳодисаларни ривожланиш жараёнида, ўзаро боғланган ҳолда ўрганишни тақозо этади. Ижтимоий-иктисодий ҳодисаларда содир бўладиган барча ўзгаришларни туб сабаби уларнинг ўзаро таъсирида булишидандир. Яъни, бирор ҳодиса ва жараёнларни ўрганаётганда ўзини алоҳида эмас, балки у нималар билан боғланган, шу боғланган жараёнлар билан ўрганиб, уларнинг шу ҳодисалар ўзгаришидаги салмоғини аниқлаб таҳлил қиласди.

Солик статистикаси диалектика қонунларига асосланиб, ўзининг хусусий усулларини яратган. Улар қуидагилардан иборат:

1. Солик тизимида олиб бориладиган статистик кузатиш. Бу усулда солик тизимида маълум кузатиш ишларини амалга ошириш лозим. Бу кузатиш тўпламни ёппасига ва танланма кузатиш асосида олиб борилади. Ёппасига статистик кузатишни хар қандай вактда ҳам амалга ошириш қийин, чунки бу жуда кўп маблаг ва вакт талаб қиласди. Шунинг учун танланма кузатиш ишларини йўлга қўйиш керак. Кузатиш вактида маълум вилоят, туман ва алоҳида корхоналарни танлаб олиб, атрофлича статистик таҳлил қилиб бош тўпламга тарқатиш мумкин. Бунда кузатиш атрофлича, тўлалигича амалга оширилиши керак. Маълумотлар тўпланаётганда уларнинг савияси ўрганилаётган объект учун муҳим ва аниқ булиши лозим. Акс ҳолда, бутун бир тизим учун нотуғри хулоса чиқарилади.

2. Кузатиш материалларини гуруҳлаш. Бу усулда солик тизимида кузатиш материаллари асосида йифилган маълумотлар гуруҳларга ажратилади.

3. Турли умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш. Бунда статистика усулларидан кенг фойдаланилади, яъни мутлоқ ва нисбий микдорлар, уртacha микдорлар, индекслар, динамика қаторлари, корреляцион таҳлил усулларидан фойдаланиб таҳлил қилинади. Буларнинг натижаси сифатида солик тушумлари ва уларга таъсир этувчи омиллар, корхоналар ва фуқаролар тўлайдиган соликлар даролади.

мадларни қанча қисмини ташкил этади, уларнинг бюджет даромадларидағи, ялпи ички маҳсулотдаги, ялпи миллий даромаддаги салмоқлари ҳисобланади. Иккинчи томондан, таҳлил материалларидан фойдаланиб, солиқларни келажак да башоратлаш мумкин.

4. Солиқ статистикасидаги маълумотларни маълум жадваллар ва графиклар ёрдамида тасвирлаш. Бу ерда юқоридаги таҳлил натижаларини жадваллар ва графикларда ифода этиш. Яъни, график ва жадваллар имконият даражасида оддийроқ ва тушунарли бўлиши керак. Чунки улар ҳар қандай савиядаги инсонлар учун тушунарли бўлиши лозим.

Ушбу илмий жиҳатдан асосланган тұрттала усул билан солиқ статистикасини ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин.

Мамлакатимиз бозор муносабатларига үтиши билан ва иқтисодиётда туб бурилишлар содир бўлгандан кейин солиқ статистикасини олдиға мухим вазифаларни қўйди. Бу вақтда солиқ статистикасини олдида қўйидаги вазифалар туради:

- * солиқ тизимидағи ахборотларни такомиллаштириш;
- * солиқ статистикаси кўрсаткичлар тизимини янада кенгроқ ва аниқроқ ишлаб чиқиш;
- * солиқ статистикасида кузатиш ва гуруҳлаш ишларини тұғри ва осонроқ йўлга қўйиш;
- * статистик таҳлилларда чет мамлакатлар усулларини кенг қўллаш;
- * юқори малакали солиқ соҳасидаги статистик кадрларни тайёрлашда назарий ва илмий жиҳатдан услугубий қўлланмалар билан таъминлаш;
- * солиқ тушумларини ривожланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- * турли мамлакатлар солиқ тушумларини таққослаш ва ўрганиш.

Демак, юқоридаги вазифаларни амалга ошириш билан солиқ статистикаси ривожланиб, тараққий этиб боради.

2-боб. Солик статистикаси фанининг кўрсаткичлар тизими

Соликлар статистикасини ташкил этишда кўрсаткичлар тизими муҳим ўрин тутади. Солик статистикаси фанининг асосий вазифаларидан бири унинг кўрсаткичлар тизимини яратиш, кенгайтириш ва улар устида таҳлиллар олиб бориши ҳисобланади. Соликлар давлат бюджетини ташкил этишнинг муҳим йўналиши булиб, мураккаб тизим ҳисобланади. Авваламбор, кўрсаткичлар тизими бюджет даромадларини маълум вақт миқёсида, алоҳида, ҳудудий, соликлар гурухлари бўйича фарқ қилишини ўзида акс эттириши керак. Бозор шароитида солик тўлашга ва солик тушумларига турли хил омиллар таъсир этади. Шу сабабли соликлар эластиклиги, соликларни динамик коэффициентлари ва солик тушумлари индекслари солик статистикаси кўрсаткичлар тизимида ўз аксини топиши лозим.

Солик тушумларини ривожлантириш ва шакллантириш келажакда иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди. Кўрсаткичлар тизимида энг асосийси динамика кўрсаткичлари, индекслар ва тушумларга таъсир этувчи омилларни эътиборга олган ҳолдаги кўрсаткичлар тизими ҳисобланади.

Соликларни ҳар томонлама статистик ўрганиш учун унинг турлари ва тушумларини ифодалайдиган статистик кўрсаткичлар тизимини яратиш бугунги кун талабидир.

Солик статистикасини ўрганишда қўлланиладиган статистик кўрсаткичлар тизими қўйидагича:

- * юридик шахслар даромад (фойда) солиғи;
- * жисмоний шахслар даромад солиғи;
- * мол-мулк солиғи;
- * ер солиғи;
- * савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиғи;
- * қўшилган қиймат солиғи;
- * акциз солиғи;
- * қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларининг ягона ер солиғи;

- * сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи;
- * кичик корхоналарнинг ягона солиғи;
- * солиқларнинг эластиклик коэффициенти;
- * солиқларнинг динамик коэффициенти;
- * солиқларнинг Ялпи миллий даромад бўйича эластиклик коэффициенти;
- * солиқларнинг бюджет даромадларидағи салмоғи;
- * солиқ тушумлари индекслари.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида солиқлар динамикаси, айрим солиқ турларини ўзгариши, шунингдек, солиқларнинг мамлакат иқтисодиёти учун муҳим жиҳатлари ўрганилади.

Солиқ статистикасида қўлланиладиган асосий тушунчалар тўғрисида таъриф бериб ўтамиш:

юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиги - корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар даромади (фойдаси) бир қисмининг бюджетга мажбурий тўловидир;

жисмоний шахсларнинг даромад солиги - жисмоний шахсларнинг олган даромадлари бир қисмини бюджетга тўлашидир;

мол-мулк солиги - юридик ва жисмоний шахслар молмулкка эга бўлганлиги учун тўланадиган солиқ;

ер солиги - юридик ва жисмоний шахсларнинг ердан фойдаланганлик учун бюджетга тўланадиган тўлови;

савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиги - солиқ даромад солиғидан фарқли бўлиб, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун б та (экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер остидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа солиқлар ва йигимлар) солиқ тури ихчамлаштирилган;

қўшилган қиймат солиги - ишлаб чиқариш, товарлар (ишлар, хизматлар) сотиши ва Ўзбекистон худудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараённида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратиш;

акциз солиги - эгри солиқ сифатида соғ даромаднинг бир қисми бўлиб, у баҳо ичида ҳамда қўшилган қиймат солиғи базасида хисобланади;

қишлоқ, хұжалиги товарлари ишлаб чықарувчилари учун ягона солиқ - ер солиғидан фарқ қилиб, қишлоқ хұжалиги товарлари ишлаб чықарувчилари учун 8 та (даромад солиғи, құшилган қиймат солиги, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланғанлик учун солиқ, ер остидан фойдаланғанлик учун солиқ, мол-мұлк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа солиқлар ва йиғимлар) солиқ тури ихчамлаштирилған;

ер остидан фойдаланғанлик учун солиқ - ер ости иншоттарини қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширишда тұланадиган солиқ;

сув ресурсларидан фойдаланғанлик учун солиқ - үз фамилиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар тұлайдиган солиқ тури;

кичик корхоналарнинг ягона солиги - кичик корхоналар учун умумдавлат ва маҳаллий солиқлар үрнига ягона солиқ тури;

солиқларнинг эластиклик коэффициенті - бу солиқ тушумларнинг үзгаришини, солиққа тортиладиган базани үзгаришига нисбати ҳисобланади;

солиқларнинг динамик коэффициенті - солиқлар динамикаси олинған солиқ суммасини ялпи ички маңсулот нисбий үсишига нисбатан олинади;

солиқларнинг ялпи миллий даромад бүйіча эластиклик коэффициенті - солиқ тушумларининг үзгаришини ялпи миллий даромад үзгаришига нисбати орқали ҳисобланади;

солиқларнинг бюджет даромадларидаги салмоги - алохыда солиқ турларини бюджет даромадларидаги салмоги ҳисобланади ва баҳоланади;

солиқ тушумлари индекслари - солиққа тортиладиган база, солиққа тортиладиган даромад ва солиқ ставкалари ўртасидаги боғланишни ифодалайдиган күрсаткич ҳисобланади.

Юқоридаги түшүнчалар солиқ статистикасининг асосий терминлари бўлиб, кейинги бобларда бу күрсаткичларнинг ҳисобланиш усуllibарини амалий мисолларда куриб ўтамиз.

3-боб. Солиқ статистикасини ташкил этишда маълумот манбалари

Ҳар қандай статистик таҳлил олиб бориш учун маълумот манбалари жуда катта ахамиятга эга. Чунки олиб борилаётган таҳлиллар шу маълумотлар асосида иш кўради ва ўз объектини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси бутун республика статистикаси устидан умумий раҳбарликни амалга оширади, ягона методология асосида статистик кузатиш ўтказади ва бошқа маълумот манбаларига эга бўлган давлатни бошқариш органлари билан ўзаро алоказада бўлади. Давлат Статистика Қўмитаси дастурига кирган барча дастурлар ҳамма даражадаги статистика учун мажбурий ҳисобланади ва барча маълумотлар республика миқёсида йигилади. Шу жумладан, солиқ статистикаси учун ҳам муҳим, мавжуд маълумотлар йигилади.

Республика миқёсида барча юридик ва жисмоний шахслар олаётган даромадлари, мол-мулклари, ер ва бошқалар учун солиқ тўлайдилар. Улар ўз навбатида солиқ идорала-рида ва статистика органларида ҳисобга олиб борилади. Юридик шахслар солиқлари уларнинг солиқ ва статистика органларига топширган ҳисоботлари асосида ҳисобга олиниади. Бу ҳисбот асосан йиллик бухгалтерия ҳисботи ҳисобланади. Солиқ статистикаси учун йиллик ҳисбот таркибидаги асосий маълумот манбаси «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботи» ва шу ҳисботга илова сифатида «Бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумот» асос бўлиб хизмат қиласди. «Бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумот»да юридик шахсларнинг маҳаллий ва давлат бюджетига тўлаган барча солиқлари кўрсатиб ўтилади. Ушбу маълумотномада солиқларнинг номи, ҳисобланган миқдор ва ҳакиқатда тўланган миқдор кўрсатиб ўтилади. Бу маълумот дастлаб туман статистика органларида йилишиб, ке-йинчалик вилоят ва республика миқёсида жамланади. Бу албатта, солиқ статистикасини ташкил этишда муҳим ахборот бўлиб хизмат қиласди.

Бизнинг фикримизча, ушбу маълумотномани бироз кенгайтирилган тартибда жорий қилиш мақсадга мувофиқ йаъни унда қўйидагича ўзгартириш киритиш мумкин: ҳакиқатда тўланган соликларни корхонанинг даромадларидағи салмоги курсатилиб ўтилса мақсадга мувофиқ булади. Чунки бунда солик соҳасида статистик таҳлил олиб бориш осонроқ кечади. Танланма кузатиш олиб боришида, корхонанинг тўланган соликларини таҳлил қилишда бу маълумот муҳим ҳисобланади. Бу ерда фақатгина эгри соликлар салмоғи курсатиб ўтилмайди, чунки уларни тўловчи корхона эмас, балки истеъмолчилардир. Унинг тузилиши қўйидагича булади:

1 - жадвал

Солик курсаткичлариноми	Сатр коди	Ҳисобланган микдор	Ҳакиқатда тўланган микдор	Соликларни корхона даромадларидаги салмоги
Тўғри соликар	010			
Эгри соликлар	011			X
Бошқа соликлар	012			

Юқоридаги жадвал асосида иш кўрилса, солик статистикасини йўлга қўйиш анча осон кечади.

Жисмоний шахслар соликлари асосан декларация маълумотлари асосида йигилади. Статистика органлари ишонч ҳосил қилиши учун фуқаролар соликларини ҳисоб-китоб ишлари ва чоп этиладиган маълумотларни жамланган, қўшилган ҳолда келтирадилар.

4-боб. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, функциялари ва давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни Миллий ҳисоблар тизимида солиқларнинг классификацияси

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб кучга кирди. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунида «шу кундан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил **солиқ, сиёсатини олиб боради**» деб кўрсатилган. Қолаверса, давлатнинг солиқ сиёсати асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам қайд қилинади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб солиқлар соҳасида ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинган эди. Шулардан энг асосийси Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар солиқлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг солиги тўғрисида»ги қонунлари ва уларга киритилган ўзгартиришлар, тўлдиришлар бўлди.

Аммо солиқларнинг ҳуқуқий асоси 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси қабул қилган, ҳамма солиқларни мужассамлаштирган ягона **Солиқ Кодекси** бўлди. Бу Кодекснинг қабул қилиниши солиқ сиёсатини амалга оширишда катта ҳуқуқий асос яратди.

Бизга маълумки, **солиқ тушунчаси** давлат бюджетига тушадиган, қонун билан белгиланган, мажбурий тўлов муносабатларидир. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, турли ишлар бажарганда ёки бозорда олди-сотди қилганда пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабати

бўлиши учун давлат, мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблаг тўплаш жараёнига амал қиласи.

Соликларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, мажбурийлиги, хазинага тушиши, қатъийлиги ва доимийлиги аниқ солик тўловчи учун эквивалентсизлик белгисидир.

1. Солик ва йигимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солик тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солик Кодексининг қоидалари асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳукукий жиҳатдан давлат томонидан кафолатланган.

2. Солик хазинага - давлат бюджетига тушади. Борди-ю, тўлов «Истеъдод», «Экосан» каби жамғармаларга тушса, унда солик муносабати бўлмайди.

3. Солик катъий белгиланган ва доимий ҳаркатда булади. Тарихда 50 ва 100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган соликлар мавжуд. Соликларнинг илмий асоси қанча чукур бўлса, шунча катъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қиласи.

4. Давлатга тўланган солик суммаси тўловчининг ўзига тўлиқ қайтмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солик тўловчи жорий йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маъориф хизматларидан фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солик тўловчиларнинг тўлаган солик ва йигимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, тартиб интизом ўрнатиш ва бошقا ижтимоий - зарурий хизматлар) орқали қайтади. Демак, солик тўловчилар нуқтаи - назаридан олганда, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма соликлар давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун тўланадиган ҳақдир. Соликлар бюджетга келиб тушадиган, мажбурий характерга эга бўлган пул муносабатлари тўловидир. Шунингдек, соликлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари билан чамбарчас боғлик. Бозор иқтисодиёти муносабатлари билан чамбарчас боғлик.

диёти эркин иқтисодиёт, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс эркин баҳо белгилashi, маҳсулот етказиб берувчини топиши ва ўз маҳсулотини сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб бюджетга оддий ажратма сифатида ололмайди. Солик сифатида олиш учун Олий Мажлиснинг қарори зарур, яъни қонун билан олинган тўлов бюджетга ўтади.

Солик иқтисодий категория бўлганлиги учун тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатларини, албатта эътиборга олиш зарур. Солик тўловчилар даромадини давлат истаганича ололмайди, соликларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Шу билан бирга, солик тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолияти ҳисобга олиниб, солик белгиланади. Иккинчи томондан, соликлардан макроиктисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун етарли молиявий ресурслар тўплашда фойдаланилади. Соликлар моҳияти солик тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узок муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади.

Соликларнинг объектив зарурлиги - давлатнинг баъзаридиган қатор функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади. Давлатнинг бажара-диган функциялари кўп бўлиб, бозор иқтисоди ривожлана бориши билан баъзи функциялар йўқолиб борса, баъзила-ри пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ҳўжалик ўзи эркин фаолият кўрсатади ва бутун фаолиятига ўзи жавоб беради. Давлат аралашуви қонун билан, яъни **солик** орқали амалга оширилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги функциялари пайдо бўлади. Буларга кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бозор инфратузилмасини ташкил қилиш киради. Бу ишларни амалга ошириш учун ҳам молиявий ресурслар керак. Бу молиявий ресурслар давлат учун асосан солик сиёсати асосида тўпланади. Қуйи-

даги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, соликларни республикамиз бюджетидаги ўрнини якъол куришимиз мумкин.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси бюджети даромад қисмийнинг асосий қўрсаткичлари
(2000-2003 йиллар, млрд.сўм)**

Қўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
I. Даромадлар, мақсадли жамгарларимиз - жами	910,8	1285,5	1775,1	2309
1. Тўғри соликлар	253,3	370,3	457,5	618
1.1. Юридик шахслар фойда солиги	116,7	142	164,7	198,3
1.2. Кичик корхоналар ягона солиги	17	31,2	39,5	70,3
1.3. Жисмоний шахсларнинг и.ч. фаолиятидан олинган даромад солиги	14,4	29,6	40,5	46,4
1. 4. Жисмоний шахслар даромад солиги	105,1	167,5	212,7	303
2. Эгри соликлар	495,1	673,3	1052,02	1367,5
2. 1. ҚҚС	221,9	320,7	508,8	642,7
2. 2. Акциз солиги	250,7	319,2	478,5	610,6
2. 3. Божхона божи	10,5	18,7	29,8	44,3
2. 4. Республика ҳудудида товар ташиш йигимлари	11,9	14,7	34,7	30
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги	91,06	122,3	166,1	209,1
3. 1. Мол-мулк солиги	28,9	37,1	55,08	52,5
3. 2. Ер солиги	28,4	37,4	45,3	60,5
3. 3. Ер остидан фойдаланиш солиги	10,4	9,5	15,3	24,3
3. 4. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги	4,1	5,8	7,1	8,2
3. 5. Экология солиги	18,9	32,5	43,2	63,6
4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солик	13,1	22,9	28,3	45,7
5. Бошқа соликлар ва даромадтар	58,2	96,6	51,09	68,7
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	1205,7	1719,7	2406,6	3087,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

329 389

Axborot Resurs Markazi

Ушбу жадвал маълумотларидан соликларни бюджетнинг жами даромадларида ва ЯИМдаги ўринин кўриш мумкин.

Жадвалдаги маълумотлар таҳлил қилинганда шуни кўриш мумкинки, 2000-2003 йилларда бюджет даромадларида соликларнинг салмоги 93-96 фоизлар атрофида бўлган. Уларнинг ЯИМдаги салмоги 2000 йилда 26,6 фоиз бўлган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 23,1 фоизга тушган. Бу республикамизда солик юкининг йилдан - йилга камайиб бораётганини кўрсатади.

Соликларнинг функциялари уларнинг моҳиятини, амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солик моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Бугун пайдо бўлиб, эртага йўқ бўлиб кетадиган ҳолатлар солик функцияси бўла олмайди. Демак, категория функцияси доимий, қатъий такрорланиб турадиган воқеликни ифодалайди. Шундай услубий ёндошищдан келиб чиқиб, соликлар функциясини аниқлаш керак.

Соликларнинг функциялари масаласида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар соликларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари хос, деб таъриф беришади.

Миллий ҳисоблар тизимида институционал бирликлар томонидан давлат бирликларига мажбурий, қонун билан белгиланган тартибда тўланадиган тўловларга **соликлар** дейилади. Миллий ҳисоблар тизимида соликлар қўйидагича таснифланади:

- * кўшилган қиймат солиги;
- * импорт солиги;
- * экспорт солиги;
- * маҳсулот таннархига киритиладиган бошқа ишлаб чиқарии соликлари;

* маҳсулотга соликлар (эгри соликлар).

Юқоридаги таснифларга алоҳида тўхталиб, таъриф беруб үтамиз.

Кўшилган қиймат солиги - ишлаб чиқарувчи бирликлардан йигиладиган солик бўлиб, уни истеъмолчи тўладиди.

Импорт солиги - товар ва хизматлар норезидентлардан резидентларга ўтганда тўланадиган солик бўлиб, товар ёки хизматларнинг божхона (давлат) чегарасидан ўтиш вақтида тўланади.

Экспорт солиги - товар ва хизматларнинг резидент бирликлардан норезидент бирликларга ўтганда тўланадиган солик бўлиб, товар ва хизматлар иқтисодий ҳудуддан чиқиб кетиш вақтида тўланади.

Махсулот таннархига киритиладиган бошқа ишлаб чиқариш солиги - ишлаб чиқарувчи бирликларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганиклари учун туландиган соликлардан иборат (ер солиги, ресурс учун соликлар ва ҳ.к.).

Махсулотга соликлар - ишлаб чиқарувчи бирликларнинг товар ёки хизматни бошқа институционал бирликларга сотиши вақтида тўланадиган солик бўлиб, товар ва хизмат микдорига қараб аниқланади ва у амалиётда эгри солик ҳам деб юритилади.

Бундан ташқари Миллий ҳисоблар тизимида соликлар унинг ўз ҳисобламаларида ҳам акс этади ва мамлакат микёсида соликлар ҳисобланганда умумий соликлардан трансферт тўловлар чегириб аниқланади.

Миллий ҳисоблар тизимида соликлар таснифи қисқача юқоридагилардан иборат.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни соликка тортиш жараёнини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, солик солиши объектлари ва субъектлари, солик имтиёzlари, солик ставкалари ва уларнинг ривожланишида тараққий этган мамлакатларга қараганда катта тафовутлар кўзга ташланмайди.

Лекин соликларнинг назарий асосларини янада чукурроқ ўрганиш лозим ва уларни Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларига татбиқ қилиш ҳамда ривожлантириш зарурити яққол кўзга ташланмоқда.

5-боб. Ўзбекистонда солиқлар тизими

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиқ тўловчилар 2 гурухга ажратилади:

юридик шахслар;
жисмоний шахслар.

Юридик шахслар бизга маълумки, ўз фойдаланишдаги мулкка эга бўлган ва шу мулк билан ўз мажбуриятларига жавоб берадиган, бухгалтерия баланси ва банкда ҳисоб рақамига эга бўлган шахслар тушунилади. Жисмоний шахслар эса юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари кирди.

Бир хил моҳиятга эга ва ўзаро муносабатда боғлиқ бўлиб, марказлашган пул фондини ташкил этадиган солиқ ва йиғим турларининг йиғиндисига **солиқ тизими** деб аталади. Бу таърифда солиқ ва йигимлар ягона моҳият яъни, «мажбурий характерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бирбири билан боғлиқлиги, ва ниҳоят бюджетга тушишини кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси мазмунига мос келади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 5-8 моддаларига биноан солиқ тизими қуидаги таркибга эга:

3-жадвал

Умумдавлат солиқлари	Махаллий солиқлар ва йигимлар
1. Ҳуқуқий шахсларнинг даромадига солиқ.	1. Мол-мулк солиғи.
2. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ.	2. Ер солиғи.
3. Қўшилган қиймат солиғи.	3. Кичик бизнес учун ягона солиқ.
4. Акциз солиғи.	4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.
5. Ер остидан фойдаланиш солиғи.	5. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун оли-
6. Экология солиғи.	
7. Сув ресурсларидан фойда-	

ланиш солиги.	надиган солик.
8. Савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиги.	6. Савдо ҳуқуқи йигими, шу жумладан, алоҳида товар турларини сотиш лицензия йигими.
9. Божхона божи.	7. Ишбилиармонлик билан шуғулланувчи ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йифими.
10. Давлат божи.	
11. Қимматли қофозларни рўйхатдан ўтказиш йифими.	
12. Бошқа даромадлар.	

Жадвалдан кўриниб турибдики, Солик Кодексида 8 та умумдавлат солиқлари ва 5 та маҳаллий солиқлар кўрсатилган. Лекин кейинги солик тизимига киритилган ўзгартиришлар билан уларнинг сони кўпайиб кетди. Солиқлар ва йигимларнинг жами йиғинди суммаси солик юки тушунчасини келтириб чиқаради.

Солиқлар солиққа тортиш обьектига қараб З гурухга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар;
2. Даромаддан олинадиган солиқлар;
3. Мол-мулк қийматларидан олинадиган солик.

Оборотдан олинадиган солиқларга ККС, акциз солиги, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солик ва савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан олинадиган солиқлар киради. Бу гуруҳ солиқларига ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиги, ер солиги, ер остидан фойдаланиш солиги, экология солиги ва бошқалар киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар тўғри ва эгри солиқларга бўлинади.

Тўғри солиқларни тўғридан-тўғри солик тўловчиларнинг ўзи тўлайди. Солиқнинг ҳуқуқий ва ҳакиқий тўловчиси ҳам

битта шахс бўлади. Бу соликларга ҳамма даромаддан тўла-
надиган ва барча мулк соликлари киради. Тўгри соликлар
тўғридан-тўгри даромаддан тўланганлиги учун солик став-
касини камайтирилиши корхоналар даромадининг қўп қис-
мини уларга қолдирилиб, инвестицион фаолиятини кенгай-
тириш имконини беради.

Эгри соликларнинг ҳуқуқий тўловчилари маҳсулотни
ортувчилар, иш, хизматни бажарувчилар, ҳамда хизмат
кўрсатувчилардир, лекин солик юкини хақиқатдан ҳам бюд-
жетга тўловчилари товарни истеъмол қилувчилар, яъни
ҳақиқий солик тўловчилар бу ерда яширган. Бу солик-
лар товар қиймати устига устама шаклида қўйилади. Эгри
соликлар таркибига ККС, акциз солиги, божхона божи, ер
остидан фойдаланиш соликлари киради.

Юқорида айтиб ўтилгандек, тўгри ва эгри соликлар ягона
солик тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғ-
ланган. Умумий соликлар суммаси ўзгармаган ҳолда бири-
нинг ставкасини камайтириш, иккинчисининг ставкасини
оширишни талаб этади.

6-боб. Соликларни макроиқтисодий даражада статистик таҳлил қилиш

Соликларни макроиқтисодий даражада статистик таҳлил қилишда статистика ва макроиқтисодий статистика усулларидан кенг фойдаланилади. Уларни макроиқтисодий даражада таҳлил қилишнинг аҳамиятли томони шундаки, давлат бюджетини тузишда, режалаштиришида, давлатнинг қатор функцияларини бажаришда бу таҳлиллар асосида иш кўрилади. Статистик таҳлиллар барча соликлар устида олиб борилади ва бунда уларнинг динамикаси, соликларни бюджет ва ялпи ички маҳсулотдаги салмоқлари ўрганилади. Албатта булар солик статистикаси кўрсаткичлар тизимидағи кўрсаткичлар асосида ўрганилади. Соликларни динамика қаторларида таҳлил қиласиган бўлсак, айrim кўрсаткичларда мунтазам ўсиш кузатилса, айримларида пасайиш ва ривожланиш кузатилмоқда. Куйидаги жадвалда (2-жадвал маълумотлари асосида) улариинг бюджет даромадларидаги салмоғини кўриб ўтиш мумкин.

4-жадвал

Давлат бюджети даромадлари динамикаси(% хисобида)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Даромадлар, жами	100,0	100,0	100,0	100,0
Тўғри соликлар	26,4	28,5	27,2	26,3
Эгри соликлар	56,0	51,8	54,2	57,8
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги	91,9	9,3	7,5	9,5
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги	1,1	1,3	2,1	1,7
Бошқа даромадлар	6,6	9,1	8,6	4,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджет даромадларида энг катта салмоқка эга соликлар эгри соликлардир. Иккинчи ўринни тўғри соликлар эгал-

лайди. Давлат бюджетида тұғри солиқтар ҳиссаси камайиши билан әгри солиқтар салмоғи ошиб бормоқда. Тұғри солиқтар камайишига асосан уларни ставкалари үз таъсирини күрсатған. Чунки юридик шахсларнинг даромад солиғи ставкасы 1995 йилда 38 фоизге тенг бўлган бўлса, 2002 йилда 24 фоиз қилиб белгиланган, ёки 14 фоизга камайтирилган. 2003 йилда юридик шахслар даромад солиғи ставкаси 20 фоиз қилиб белгиланди. Тұғри солиқтарни иккинчи бир муҳим йўналиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидир. Бу солиқ ставкалари ҳам мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. 1998 йилда бу солиқ турига 45 фоизлик энг юқори ставка қўлланган бўлса, 2001 йилдаги 36 фоизлик ставкани 2002 йилда 33 фоизгача пасайтирилиши ва унинг натижасида уларни бюджетдаги салмоғи ортганлигини кўриш мумкин. Бу натижалар асосида шундай дейиш мумкинки, бу кўрсаткичлар динамикаси бизга *Леффер әгри чизигини* исботлаб берди. А.Леффернинг фикрича, солиқ тушумлари солиқ ставкалари билан узвий боғлиқдир. Яъни, солиқ ставкалари қанчалик меъёрга келтирилса, солиқ тушумлари ортиб боради. Бизнинг республикаизда ҳам солиққа тортиш тизимида шундай ҳолат кузатилмоқда. Бу асосан тұғри солиқтарда кўриняпти.

Солиқтарни макроиктисодий даражада таҳлил қилганда асосан қуйидаги усууллар кенг қўлланилади:

1. *Солиқтар тушумларининг эластиклик коэффициенти = солиқ тизими ўзгармас холдаги солиқ тушумининг фоиздаги ўзгариши / солиққа тортиш базасининг фоиздаги ўзгариши.*

Бу кўрсаткич солиқ тушумларини ҳақиқий солиққа тортиладиган базага тұғри келишини ифодалайди.

2. Солиқтарни ялпи миллий даромад бўйича эластиклик коэффициенти қуйидагича бўлади:

Эластиклик коэффициенти = ($\Delta AT / AT$) / ($\Delta YM / YM$)

бу ерда: ΔAT - ўзгармас солиқ тизимидағи солиқ тушумларини фоиздаги ўзгариши;

AT - солиққа тортиш базасини фоиздаги ўзгариши;

ΔYM - ялпи миллий даромаднинг кўшимча ўсиши;

ЯМД - ялпи миллий даромаднинг базавий даражаси.

Эластиклик коэффициенти 1 дан юқори бўлса, у ҳолда солиқ тизими ҳам эластик (мосланувчан) ҳисобланади, яъни янги солиқлар ва солиққа тортиш меъёрлари ўзгармаган ҳолда солиқлар ҳажми ЯИМга нисбатан ўсади. Эластиклик бу ижобий ҳолат ва қайси мамлакатда давлат ҳаражатлари ўсиш суръатлари ЯИМнинг ўсиш суъраталаридан юқори бўлса, бу ҳолатни аниқлаш керак.

3. Динамика коэффициенти солиқлар динамикасида олинган солиқ суммасини ЯИМ нисбий ўсишига нисбати олинади. Унинг формуласи қуидагича бўлади:

Динамика коэффициенти = $(\Delta T / T) / \Delta \text{ЯИМ} / \text{ЯИМ}$

бу ерда: T - солиқ миқдори (суммаси);

ΔT - жорий даврда солиқлар миқдорининг мут-лок ўзгариши.

4. Солиқларни йигилиш даражасини ифодаловчи самарадорлик индикатори бу самарадорлик коэффициентидир. У қуидагича:

Самарадорлик коэффициенти = Солик тушумлари / ЯИМ

Самарадорлик коэффициенти бизнинг республикамизда 2000-2003 йилларда қуидагича бўлган:

5 - жадвал

Кўрсаткичлар	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0
Даромадлар, жами	28,5	26,0	25,2	24,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ушбу жадвалдан куриниб турибдики, солиқларни ЯИМ-даги салмоғи 2000 йилда 28,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда 24,2 фоизга тушган.

Солиқларни макроиқтисодий усулларда таҳтил қилишда солиқ тушумлари ва уларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб таҳтил қилиш керак. Солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар қуидагилар:

* Солиққа тортиладиган базанинг ўзгариши;

* Солиқ ставкасининг ўзгариши;

- * Соликларнинг йиғилиш даражаси;
- * Солик тұловчилар сонининг ортиши.

Юқоридаги омилларнинг таъсирини аниклаш мақсадида қуйидеги формула тузамиз:

а) $C\bar{D}_0 = B_0 x C_0 x \bar{D}_0$ базис даврида;

б) $C\bar{D}_1 = B_1 x C_1 x \bar{D}_1$ хисобот даврида;

в) $\Delta C\bar{D} = C\bar{D}_1 - C\bar{D}_0$ солик тушумларини мутлоқ үзгариши.

бу ерда: $C\bar{D}$ - солик тушумлари, B - соликқа тортиладиган база, C - солик ставкасы, \bar{D} - соликларни йиғилиш даражаси.

Солик тушумларига таъсир этувчи омилларни алоҳида алоҳида күриб үтишимиз мумкин:

1. Соликқа тортиладиган базанинг үзгариши :

$$\Delta C\bar{D}_{(B)} = (B_1 - B_0)x C_0 x \bar{D}_0$$

2. Солик ставкасининг үзгариши хисобига:

$$\Delta C\bar{D}_{(C)} = (C_1 - C_0)x B_1 x \bar{D}_0$$

3. Соликларнинг йиғилиш даражаси:

$$\Delta C\bar{D}_{(\bar{D})} = (\bar{D}_1 - \bar{D}_0)x C_1 x B_1$$

Бунда:

$$\Delta C\bar{D} = \Delta C\bar{D}_{(B)} \pm \Delta C\bar{D}_{(C)} \pm \Delta C\bar{D}_{(\bar{D})}$$

Бу таҳлилларни индекслар ёрдамида ҳам қилиш мумкин. Бу индекс солик тушумлари индекслари номини олади. Индекслар усулида жорий даврдаги солик тушумларини базис даври солик тушумларига бўлиш билан топилади. Умуман, юқоридаги усуллар ёрдамида давлатнинг солик сиёсатига баҳо бериш ва улар ёрдамида соликларни атрофлича таҳлил қилиш мумкин.

Статистик таҳлилларда бундан ташқари омиллар ўртасидаги боғланишни қанчалик даражада кучли эканлигини билиш мақсадида корреляцион таҳлил усулидан фойдаланилади. Корреляцион таҳлилда омиллар иккитага тенг бўлганда нормал тенгламалар системаси уч номаълумли (a_0, a_1, a_2), учта чизиқли тенгламадан иборат бўлади:

$$\left\{ \begin{array}{l} a_0 n + a_1 \sum x_1 + a_2 \sum x_2 = \Sigma y \\ a_0 \sum x_1 + a_1 \sum x_1^2 + a_2 \sum x_1 x_2 = \Sigma y x_1 \\ a_0 \sum x_2 + a_1 \sum x_2 x_1 + a_2 \sum x_2^2 = \Sigma y x_2 \end{array} \right.$$

Мисол учун ушбу усулни шартли масала асосида күриб чиқамиз:

1998-2002 йиллар учун солик тушумлари (y), солик тұловчилар сони (x_1) ва солик ставкалары (x_2) үртасидаги боғланишни күриб чиқамиз (бұжадвалга қаранг):

$$\begin{cases} 5a_0 + 547a_1 + 150a_2 = 19120 \\ 547a_0 + 59969a_1 + 16347a_2 = 2094300 \\ 150a_0 + 16347a_1 + 4598a_2 = 570280 \end{cases}$$

Биринчи, тенгламаны барча ҳадларини a_0 олдидаги сонга булиб чиқамиз, яғни, биринчи тенгламани 5 га, иккінчи тенгламани 547 га, учинчи тенгламани 150 га булиб чиқамиз:

$$\begin{cases} a_0 + 109,4a_1 + 30a_2 = 3824 \\ a_0 + 109,6a_1 + 29,9a_2 = 3828,7 \\ a_0 + 108,98a_1 + 30,7a_2 = 3801,8 \end{cases}$$

Иккінчи ва учинчи тенглама қийматларидан биринчи тенглама қийматтарини айириб таштаймиз. Натижада икки номаълумли тенглама ҳосил бўлади:

$$\begin{cases} 0,2a_1 - 0,1a_2 = 47 \\ -0,42a_1 + 0,7a_2 = -22,2 \end{cases}$$

Ушбу формуладан $a_1 = -6,61$ ва $a_2 = -35,7$. Юқоридаги тенгламалардан $a_0 = 5621,416$ қиймати келиб чиқади.

Шундай қилиб, нормал тенгламалар тизимининг регрессия тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$Y(x_1, x_2) = 5621,416 - 6,64x_1 - 35,7x_2$$

Бу ерда, ушбу тенгламага x_1 ва x_2 ларнинг тегишли қийматларини қўйиб, кўп омилли регрессиянинг назарий қийматларини ҳисоблашимиз мумкин. Тенгламадаги a_1 ва a_2 параметрлари регрессия коэффициентлари булиб ҳисобланади. a_1 коэффициенти ҳар бир солик тұловчининг сони ошиши билан солик тушумлари 6,64 сүмга ошишини ва a_2 коэффициенти ставкаларни 1 фоизга туширилиши солик суммасини 35,7 сүмга камайишини кўрсатади.



1-чизма. Солик тушумлари ва унга таъсир этувчи омиллар

**Солик түшумлари (у) билан солик түловчилар (x_1) ва солик ставкалари (x_2) ўргасидаги
богланиш***

6-жадвал

T / p	Йиллар	Солик түшумлари (у)	Солик түловчилар сони (x_1)	Солик ставкалари (x_2)	yx_1	yx_2	x_1x_2	Σ_2	x_1^2	x_2^2	$Yy(x_1x_2)=$ $5621,416 - 6,64x_1 -$ $-35,7x_2$
1	1998	3600	100	36	360000	129600	3600	12960000	10000	1296	3672,216
2	1999	3700	110	33	407000	122100	3630	13690000	12100	1089	3712,916
3	2000	3900	115	31	448500	120900	3565	15210000	13225	961	3751,116
4	2001	3800	112	26	425600	98800	2912	14440000	12544	676	3949,536
5	2002	4120	110	24	453200	98880	2640	16974400	12100	576	4034,216
S	---	19120	547	150	2094300	570280	16347	73004400	59969	4598	19123,0

*Изоҳ: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

II-Бўлим

Юридик шахслар солиқлари статистикаси

1-боб. Даромад (фойда) солиги статистикаси

1.1. Даромад солиги тушунчаси ва солик тўловчилар

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган корхоналар бошқа соликлар билан бирга даромад (фойда) солиги тўламоқдалар. Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солик - корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар даромади (фойдаси)нинг бир қисмини бюджетга мажбурий ўtkазишидир. Юридик шахсларни даромад солигига тортишда соликка тортиладиган даромадни тўғри аниқлаб олиш зарур. Соликка тортиладиган даромад «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом билан аниқланади. Кайта ишланган бу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган.

Юридик шахс фаолияти қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

-маҳсулотни сотишидан олинган ялпи фойда, бу сотишидан олинган соғ тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади;

-асосий фаолиятдан олинган фойда, бу маҳсулотни сотишидан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа заарлар сифатида аниқланади;

-умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус заарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади;

-солик тұлғагунча олинган фойда, у умумхұжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда вазиятлардан күрилган фойда ва минус заары сифатида аниқланади;

-йилнинг соғ фойдаси, у солик тұланғандан кейин хұжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, үзіда даромад (фойда)дан тұланадиган солиқни ва минус бошқа солиқлар ва тұловлар чиқарып ташлаган ҳолда ифодаланади.

Демак, солиққа тортиладиган даромад юқоридаги Низом асосида аниқланади. Бу юридик шахсларни даромад солиқига тортишда жуда мухим күрсаткичлар ҳисобланади.

Молия йилида солиққа тортиладиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда)га солиқ тұловчилар ҳисобланади. Молия йили бизнинг республикамизда 1 январдан 31 декабргача ҳисобланади.

Юридик шахслар даромад солиги тұловчилари бўлиши учун куйидаги шартлар бажарилиши керак:

бирор фаолият орқали даромад (фойда) олиши;

ўзининг мулкига эга бўлиши;

мустақил бухгалтерия балансига эга бўлиши;

банкда ҳисоб ракамига эга бўлиши.

Шу шартларнинг бирортаси бажарилмаса, улар даромад (фойда) солиғи тұловчилари бўла олмайдилар.

1.2. Солик обьекти ва солиққа тортиладиган даромадлар

Солик обьекти бўлиб, жами даромад билан юқорида курсатилган Низомда белгиланған чегирмалар фарқи ҳисобланади. Солик обьектини тұғри ва тұлық аниқлаш учун жами даромад таркибини мукаммал ўрганиш зарур бўлади. Жами даромад таркибига юридик шахс томонидан олиниши лозим бўлган, аникроғи олинган, ортилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақлари сифатидаги пул ва бошқа маблағлар ёки қайтармаслик шарти билан олинган маблағлар киради. Бундай даромадларга:

а) маҳсулот (иш, хизмат) сотищдан тушган тушум, унга:

- ортилган маҳсулот қийматини тұлаш учун ҳисоблашиш ҳужжатларида кўрсатилган сумма;

- буюртмачи томонидан тасдиқланган, бажарылган ишлар ҳужжатларида күрсатилган сумма;
- күрсатилган хизматни тасдиқловчи ҳужжатларда күрсатилган сумма киради.

Харид, тайёрловчи, таъминловчи корхоналарда даромад (фойда)га солик тұловчилар учун сотиши тушуми деб сотилған ва сотиб олинған товарлар сотиши қиймати үргасидаги фарқ ҳисобланади.

Воситачилик фаолиятидан даромад олуғчи корхоналар учун тушум деб ҳамма битимлар бүйіча комиссиян тақдирлаш (фоизлар) суммалари ҳисобланади;

б) асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активлар сотищдан олинған даромадлар киради.

Солиққа тортиш мақсадида асосий фондлар ва бошқа мулкларни сотищдан даромадни аниқлашыда шу фондлар ва мулкларни сотиши баһоси ва қолдик суммаси үртасидаги фарқ ҳисобға олинади. Бұ ерда қолдик қиймат - ҳамма асосий фондлар, моддий активлар, кам қийматли ва тез бузилағын предметларға күлланилади;

в) фоизлар ва дивидендлар турида олинған даромадлар;
г) белуп олинған мулклар;
д) мулкларни ижарага бериштән олинған даромадлар;
е) роялти-интеллектуал мулкларнинг ҳуқуқларидан олинған даромадлар;

ж) белуп молиявий ёрдам;

з) даъво муддати үтказыб юборылған кредиторлық ва депонент қарздорликни ҳисобидан чиқаришдан олинған даромадлар;

и) илгари чегирма қилинған қарзлар, заарлар ёки шубҳа қилинған қарзларнинг үрнини қоплаш учун олинған даромадлар;

к) валюта счёtlари бүйіча ижобий курс фарқлари;

л) фавқулодда даромадлар;

м) бошқа даромадлар;

Товар - моддий захираларни қайта баҳолашдаги суммалар солик солинадиган даромадда киритиб борилади.

Корхоналарнинг чет эл валютасида олган даромадлари ҳам солиққа тортиладиган даромадга киритилади, фақатгина чет эл валютасида олинган даромад уша кундаги Марказий банк белгилаган курс билан даромадга күшилади.

Солиқ кодексининг 19 - моддасига кўра ялпи даромаддан куйидаги чегирмалар асосида амалга оширилади:

- * кўшилган қиймат солиғи;
- * акциз солиғи;
- * мол-мулк солиғи;
- * ер солиғи;
- * ер остидан фойдаланганлик учун солик;
- * экология солиғи;
- * сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- * божхона божи;
- * белгиланган тартибда киритилган рента тўловлари;
- * ижара ҳаки (лизинг тўлови);
- * асосий воситаларини таъмирлаш харажатлари;
- * чет юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматларининг қиймати;
- * мажбурий сугурта тўловлари бўйича ўтказиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳакига ҳисобланган суммалар;
- * маҳсулот (хизматлар)ни сертификатлаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;
- * қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;
- * қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича реклама харажатлари суммалари;
- * қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;
- * солик тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия муассасалари, болаларнинг дам олиш оромгоҳлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек, солик тўловчилар санаб ўтилган муассасаларни сақлашда улуш кўшиб қатнашиб, ва шу мақсадлар учун қилинадиган харажатлари;

* қонун ҳужжатларига белгиланган бошқа мажбурий тұловлар.

Агар қилинган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилған бўлса, у ялпи даромаддан фақат бир марта чегирилиши мумкин.

Асосий воситаларни харид этиш ва монтаж қилиш номоддий активларни харид этиш бўйича харажатлар, шунингдек капитал тусдаги бошқа харажатлар ялпи даромаддан кейинги даврларда амортизация кўринишида чегирилади.

Тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни сотиш пайтида юзага келган зарарлар ялпи даромаддан чегирилади.

Иш ҳайвонлари ва кўп йиллик кўччатлардан фойдаланиш чоғида юзага келган зааррлар фақат ана шу активларни ишлатишдан олинган даромаддан чегирилади.

Молиявий жазо чоралари ва ҳисоблаб ёзилган пенялар суммалари ялпи даромаддан чегирилмайди.

Солик тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар бўйича чегирмалар қилинмайди.

Бюджетдан ташқари фондларга, яъни пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий сугуртага ва ихтиёрий сугуртанинг бошқа турларига ажратмалар ялпи даромаддан чегириб ташланмайди.

1.3. Даромад (фойда) солиги ставкалари ва ушбу соликни ҳисоблаш формуласи

Юридик шахслар даромад (фойда)га солик ставкаларини ҳар иили Олий Мажлис тасдиқлайди. Ушбу қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ишлаб чиқади ва солик ставкалари ўзгариб туради.

Белгиланган ставкага қараб соликни ҳисоблаш учун соликқа тортиладиган даромадни солик ставкасига кўпайтирилади. Соликқа тортиладиган даромадни аниқлашни юқорида кўриб ўтдик. Соликни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$\mathbf{C}_d = \mathbf{D}_c \mathbf{X} \mathbf{C}_t$$

бу ерда: \mathbf{C}_d - даромад (фойда) солиги суммаси;
 \mathbf{D}_c - соликқа тортиладиган даромад;
 \mathbf{C}_t - солик ставкаси.

Ушбу формула асосида юридик шахслар даромад (фойда) солигини ҳисоблаш мүмкін.

1.4. Солик суммасига таъсир этувчи омиллар ва уларни статистик таҳлил қилиш

Статистик таҳлилни муҳим босқыларидан бири ўрганилаётган натижа курсаткичга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаб топишдан иборат. Бизга маълумки, даромаддан олинадиган солик суммасига бир қанча омиллар таъсир қиласы:

- * Соликқа тортиладиган даромаднинг ўзгариши;
- * Соликқа тортиладиган базанинг ўзгариши;
- * Солик ставкасининг ўзгариши.

Даромаддан олинадиган солик суммасига (\mathbf{C}_d) бир қанча омиллар таъсир қиласы. Буларга даромаднинг солик тұла-надиган қисми (\mathbf{D}_c) ва солик ставкасини (\mathbf{C}_t) киритиш мүмкін. Натижа ва бу омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниклаш учун қуйидагича формуладан фойдаланилади:

$$\mathbf{C}_d = \mathbf{D}_c \mathbf{X} \mathbf{C}_t$$

Бу ерда омиллар таъсирини аниклаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мүмкін:

1. Солик суммасининг даромадлар ўзгариши эвазига ўзгарғанligини ($\Delta \mathbf{C}_{dc}$) аниклаш учун даромадларнинг ҳисобот давридаги фарқини ($\mathbf{D}_{c1} - \mathbf{D}_{c0}$) солик ставкасининг резжадаги миқдорларига (\mathbf{C}_{t0}) күпайтирилади:

$$\Delta \mathbf{C}_{dc} = (\mathbf{D}_{c1} - \mathbf{D}_{c0}) \mathbf{X} \mathbf{C}_{t0}$$

2. Солик суммасининг солик ставкаси эвазига ўзгаришини (\mathbf{C}_{ct}) ҳисоблаш учун соликқа тортиладиган даромад суммасининг ҳақиқий миқдорини (\mathbf{D}_{c1}) солик ставкасини ўзгаришига ($\mathbf{C}_{t1} - \mathbf{C}_{t0}$) күпайтирилади:

$$\Delta \mathbf{C}_{ct} = \mathbf{D}_{c1} \mathbf{X} (\mathbf{C}_{t1} - \mathbf{C}_{t0})$$

Агар ҳисоб-китоблар түғри амалга оширилса, шу икки

омилнинг таъсири натижаси ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta C_d = \Delta C_{dc} \pm \Delta C_{cm}$$

Келтирилган омилли статистик таҳлил усулига амалий маълумотларнинг ечиш йўлларини амалиётда қўллаб кўриш мумкин.

Юридик шахсларнинг даромад солиги ҳажмининг ўзгаришига соликқа тортиладиган даромад ва солик ставкасининг таъсирини статистик усуллар билан таҳлил қилиш учун амалий масала:

7 - жадвал

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Хисобот йилида	Жами фарқи (+,-)	Шу жумладан, даромад эвазига	Солик ставкаси эвазига
Соликқа тортиладиган даромад, минг сўм	573,4	789,9	216,5	X	X
Солик ставкаси, %	26	24	-2	X	X
Солик суммаси, минг сўм	149,0	189,5	40,5	56,29	-15,79

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, даромаддан олинадиган солик суммаси 40,5 минг сўмга қўпайган. Бунда иккита омилнинг таъсири қўйидагича бўлади:

1. Соликқа тортиладиган даромад суммасининг 216,5 минг сўмга қўпайганлиги солик суммасининг 56,29 минг сўм ($216,5 \times 26,0 : 100$) қўпайишига олиб келган.

2. Солик ставкаси ўзгариши таъсирида солик суммаси 15,79 минг сўмга камайишига олиб келди.

3. Одатда шу икки омил таъсири солик суммасининг умумий фарқига тенг бўлиши керак, яъни $56,29 - 15,79 = 40,5$ минг сўм. Демак, амалга оширган ҳисоб-китобларимиз тўғри.

Ҳар бир омил таъсирининг улушкини ҳисоблаш мумкин. Бизнинг мисолимизда даромад солифини ўсиши 139 фоизини ($56,29 : 40,5 \times 100$) соликқа тортиладиган даромад суммасининг кўпайиши эвазига ошганлигини кўрамиз. Аммо солик

ставкасининг 2 фоизга камайганлиги, солик суммасининг 39 фоизга камайтирганлигини кўрамиз ($15,79:40,5 \times 100$). Шу икки омил таъсири 100 фоизга (139%-39%) teng. Биз ушбу ҳисоб-китобларни услубий асос бўлиши учун келтирмоқдамиз, чунки солик суммаси аксарият ҳолларда шу икки омил таъсирида ўзгариб туради.

Статистик таҳлиллар жараёнида омиллар таъсирини кенгайтириш мумкин. Масалан, даромаднинг солик тўланадиган қисми (Δ_c), ялпи даромад (ΔY_d) ва солик тўланадиган даромаднинг улушкига (ΔY_{dc}) teng. Бу боғлиқлик куйидагича ифодаланади:

$$\Delta_c = \Delta Y_d X Y_{dc}$$

Агар юқоридаги формула (Д_с ўрнига) ушбу формуладаги боғлиқликни алмаштириб қўйсак, биринчи формула куйидаги шаклга эга бўлади:

$$C_d = \Delta Y_d X Y_{dc} X C_t$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, даромад тўланадиган солик суммасининг ўзгаришига учта омил таъсири қилмоқда. Солик суммасини ўзгаришига омиллар таъсирини куриб чиқамиз:

1. Солик суммасининг ялпи даромад таъсири эвазига ўзгаришини ($\Delta C_{t,1}$) аниқлаш учун ялпи даромад фарқини (ΔY_d) солик тўланадиган даромад улушкининг ўтган (базис) йилидаги миқдорига (Y_{dc0}) ва солик ставкасининг ҳам базис йилидаги ҳажмига (C_{t0}) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{t,1} = \Delta Y_d X Y_{dc0} X C_{t0}$$

2. Солик суммасининг солик тўланадиган даромадлар улуси таъсири эвазига ўзгаришини ($\Delta C_{t,ydc}$) аниқлаш учун ялпи даромаднинг ҳисбот давридаги ҳажмини (ΔY_{d1}) солик тўланадиган даромад улушкининг ўзгаришига (ΔY_{dc1}) ва солик ставкасининг базис йилидаги ҳажмига (C_{t0}) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{t,ydc} = \Delta Y_{d1} X \Delta Y_{dc1} X C_{t0}$$

3. Солик суммасининг солик ставкаси таъсири эвазига ўзгаришини (ΔC_{dc1}) аниқлаш учун ялпи даромаднинг ҳисбот давридаги ҳажмини (ΔY_{d1}) солик тўланадиган даромад улушкининг ҳисботдаги миқдори (Y_{dc1}) ва солик ставкаси-

нинг фарқига (ΔC_t) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{d ст} = Y_{d1} \times Y_{de1} \times \Delta C_t$$

Агар солик ставкаси ўзгармай қолса, натижанинг ўзгариши фақат иккита омил таъсирида бўлади. Бу омилларнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta C_d = \Delta C_{d яд} \pm \Delta C_{d уdc} \pm \Delta C_{d ст}$$

Ушбу ҳисоб-китобларни амалий мисолларда кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуидагича жадвал тузамиз:

8 - жадвал

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи	Натижা ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш
1. Ялпи даромад, минг сўм	671,4	881,6	210,2	210,2x85,4x26=49
2. Соликка тортиладиган даромаднинг ялпи даромаддаги улуши,%	85,4	89,6	4,2	881,6x4,2x24=9,1
3. Солик ставкаси,%	26	24	-2	881,6x89,6x(-2)=-15,5
4. Солик суммаси, минг сўм	149	189,5	40, 5	46,9+ 9,1+(-15,5)= 40,5

Юқоридаги усуллар ёрдамида корхоналарда соликларни статистик таҳлил қилиш мумкин. Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг даромадлари ошиши билин бюджетга тўланадиган солик суммаси ҳам ортиб боради. Демак, даромадларнинг ошиши билан ҳам корхона, ҳам давлат бюджети манфаатдор экан. Даромаддан олинадиган соликларни статистик таҳлил қилган вақтда бунга кўпгина омиллар таъсири кўрсатади. Бу омиллар таъсирини статистиканинг бошқа усулларидан фойдаланиб, таҳлил қилиш мумкин.

Юқоридаги усулларни амалда қўллаб, иш кўрилса солик идоралари ходимларига, статистика ташкилотлари ходим-

ларига ва корхоналар мутахассисларига анча қулайлик-лар түгдирилади.

1.5. Ушбу солиқни бюджет даромадларидағи ЯИМдаги салмоги

Юридик шахслар тұлайдыган солиқлар ичидә уларнинг даромади (фойдаси)га солиқ бюджет даромадлари таркиби-да катта үрин әгаллады. Масалан, уни қуидаги жадвалда күришимиз мүмкін:

9 - жадвал
(фоиз ҳисобида)

Күрсаткічлар	2000	2001	2002	2003
Даромадлар	100	100	100	100
Даромад (фойда) солиғи	12,8	11,3	9,4	8,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Малия Вазирилиги

Жадвал маълумотларига қараганда, йил сайин солиқ салмоги камайиб бормоқда. Бунда солиқ ставкаларини пасайиши, маълум даражада даромадларни қонунийлаштирилиши ва солиқларнинг йиғилиш даражасида акс этмоқда.

Бу солиқнинг динамика қаторларida үсиши кузатилсада, бирок бюджет даромадларида унинг салмоги камайиб бормоқда. Бу натижалар қандай юз берганини аниқлашда статистика усулларидан амалиётда кенгроқ фойдаланиш керак. Аммо унинг статистик таҳлил қилиш усуллари ҳамон ишлаб чиқылмаган. Солиқ идоралари ва статистика ташкилотлари ходимлари ушбу солиқнинг тұғри тұланиши ва бу солиқ тури республикамизда қандай ҳолатда эканлигини доимий равища таҳлил қилиб боришлари зарур. Бирок, солиқ идоралари ходимлари ушбу солиқни тұланишини қонунийлигига күпроқ әзтибор берадилар. Ҳақиқатда эса солиқлар масаласига ҳам қонуний, ҳам иқтисодий жиҳатдан ёндошмоқ керак. Иқтисодий томондан ёндашиб үз навбатида статистик таҳлил йули билан амалга оширилади.

Статистик таҳлил учун маълумотлар манбаидан тұғри

фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Корхоналар даромадидан олинадиган солиқ суммаси «Молиявий натижалар» тўғрисидаги ҳисоботнинг – «Бюджетга тўланмалар» қисмида жойлашган. Шунингдек, ҳар бир корхонанинг бухгалтерия ҳисоботи таркибида даромаддан олинадиган солиқнинг алоҳида ҳисоб-китоби кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси маълумот манбалариридан.

Статистик таҳлиллар одатда маълум йиллар давомида эришилган натижаларни бир-бирлари билан солиштириш орқали бошланади. Булар натижасида тегишли фарқлар аниқланади. Олинган натижалар салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Аммо бу тўплам учун етарли таҳлил бўлмайди. Шунинг учун кўрсаткичлар динамикасини аниқлаш лозим. Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи динамика қаторларида статистик таҳлилини кўриб ўтамиш:

10-жадвал

Йил-лар	Солиқ-тушумлари	Абсолют ўсиш (млрд.сўм), ($Y_1 - Y_0$)		Ўсиш ёки камайиш суръати, (%) $(Y_1 / Y_0) \times 100$		Кўшимча ўсиш (камайиш) суръати (%) $(Y_1 / Y_0) \times 100 - 100$	
		базис	занжир	базис	занжир	базис	занжир
1	2	3	4	5	6	7	8
2000	81,9	-	-	-	-	-	-
2001	94,6	12,7	12,7	115,5	115,5	15,5	15,5
2002	102,4	20,5	7,8	125	108,2	25	8,2
2003	120,7	38,8	18,3	147,3	117,8	47,3	17,8

Манба: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалда даромад (фойда) солиғи суммаларини йиллар давомида мутлоқ ва нисбий ўзгаришларини кўриб чиқдик.

Солиқ кўраткичлари динамикаси ўрганилгандан сўнг албатта унга боғлиқ кўрсаткичлар ҳам ўрганилади. Бошқа кўрсаткичлар таъсирини билиш учун даромад солиғи суммасини ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад билан

солишириб таҳлил қилиш керак. Даромадлар йилдан-йилга камайса, албатта даромад солиги суммаси ҳам камаяди. У қўйидагича:

11-жадвал
(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил
ЯИМ	100	100	100	100
Даромад (фойда) солиги	3,6	2,9	2,3	2,0

Манба: Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, соликларнинг ЯИМ даги салмоғи йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу камайишга солик ставкаларини камайиб бориши ва ЯИМ ни йилдан-йилга ўсиши ўз таъсирини кўрсатади.

Эслатма: Жорий тўловларни юридик шахслар ҳар ойнинг 10 ва 25 саналаригача даромад (фойда)га соликнинг чораклик суммасидан олтидан бир қисми тарикасида бюджетга тўлаб боришилари шарт.

2-боб. Қўшилган қиймат солиги статистикаси

2.1. Қўшилган қиймат ва қўшилган қиймат солиги тушунчаси

Қўшилган қиймат солигининг ватани Франция ҳисобланади. КҶС бозор иқтисодиётига эга бўлган кўпгина давлатларда муваффақиятли қўлланилади. Гарбий Европа мамлакатларининг солик тизимларида КҶС 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошида киритилди ва ҳозирги вақтда истеъмол учун асосий солик ҳисобланади. 1992 йилдан бошлаб мазкур солик МДҲнинг барча мамлакатларида амалга киритилди. Ўзбекистонда соликнинг бу тури 1991 йилдан бошлаб қўлланилмоқда.

Қўшилган қиймат тушунчаси - бу маълум қийматдаги товар (иш, хизмат)га янгидан ишлов бериш натижасида, янги яратилган қийматдир. Масалан, корхона 100 сўмлик товарни сотиб олиб қайта ишлашга киритди ва 300 сўмлик маҳсулот яратди. Бу ерда янги қўшилган қиймат 200 сўмни ташкил этади. Мана шу янгидан яратилган қийматдан давлат солик ундиради. Бу қўшилган қиймат солиги тушунчасини келтириб чиқаради. Республика миқёсида қўшилган қийматлар йиғиндиси Ялпи ички маҳсулотни беради. Яъни:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{Кк}$$

Статистика амалиётида ЯИМни ҳисоблашни бир нечта усууллар мавжуд. Юқорида айтганимиздек, мана шу қўшилган қийматлардан олинадиган солик қўшилган қиймат солигидир. Солик Кодексининг 65 - моддасида қўшилган қиймат солиги товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасига товарлар (ишлар, хизматлар)-ни импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетта ажратишидир, деб қўрсатилган. Аммо соликقا тортиш амалиётида шундай ҳоллар учрайдики, қўшилган қиймат солиги қўшилган қийматдан эмас, балки бутун оборотдан олинади. Масалан, ягона ер солиги тўлайдиган қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, ялпи тушумга солик тўлайдиган савдо корхона-

лари ва ягона солиқ тұловчи кичик корхоналар. Қүшилган қыймат солигида юридик шахслар маҳсулот сотганда солиқни йиғувчи ва маҳсулот сотиб олганда солиқ тұловчи ҳисобланади. Қүшилган қыймат солиги әгри солиқ бұлғанлиги учун корхоналар ушбу солиқни йиғиб берувчи ҳисобланади. Солиқни тұловчилар ҳуқуқий томондан корхоналар бұлса-да, ҳақиқий тұловчилари товар сотиб олувчилар, яъни истеъмолчилардир.

Қүшилган қыймат солиги тұловчилари - Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ва товарлар импорти буйича юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ушбу қоидага ягона ер солиги тұлайдиган қышлоқ хұжалик товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, ялпи тушумга солиқ тұлайдиган савдо корхоналари ва ягона солиқ тұловчи кичик корхоналар кирмайды.

Қүшилган қыймат солиги тұловчилари булиш учун қуидеги шартлар бажарилиши керак:

- * тадбиркорлик фаолияти;
- * юридик шахс мақоми.

Демек, юридик шахслар қүшилган қыймат солиги тұловчилари булиши учун юқоридеги шартлар бажарилиши керак.

2.2. Солиқ обьекти ва солиққа тортиладиган даромадни аниклаш

Қүшилган қыймат солиги обьекти булиб, товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиши ва импорт товарлар обороти ҳисобланади. Қүшилган қыймат солиги тұлашдан озод қилинген ва үз ишлаб чиқарыш әхтиёjlари учун фойдаланадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бундан мұстасно. Солиққа тортиш мақсадида истеъмол қыйматига зәға бұлған ҳамма нарса солиқ обьекти ҳисобланади. Иктиносидиёт назарияси курсидан маълумки, уч хил сотиши тури мавжуд: товарлар, ишлар, хизматлар. Товарлар сотища солиқ обьекти деганда, үзи ишлаб чиқарған ва четдан сотиб олган ҳамма товарлар сотиши обороти тушунилади. Иш кучини сотища

соликъ объекти бўлиб, бажарилган қурилиш-монтаж, таъмирлаш, илмий текшириш, тажриба-конструкторлик, технологик, лойиҳа - қидирув ва бошқа ишлар қиймати хисобланади. Хизмат кучини сотишда соликъ объекти бўлиб, курсатилган барча хизматлар қиймати хисобланади.

Соликъга тортиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) суммаси КҚСни қўшмасдан товарлар (ишлар, хизматлар)га қўлланиладиган баҳоси ва тарифи қиймати билан аниқланади. Аммо акцизга тортилган товарлар бўйича соликъга тортиладиган оборотни аниқлашда унга акциз суммаси ҳам қўшилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) қўлдан-қўлга бепул берилганда соликъга тортиладиган оборот суммаси корхонада қарор топган баҳо ва тариф (КҚСсиз) даражасида аниқланади, бироқ товарларни ишлаб чиқариш (сотиб олиш) харажатидан кам бўлмаган миқдорда, асосий воситалар бўйича - сотиш баҳоси билан уларнинг қолдик қиймати ўртасидаги фарқ миқдори аниқланади. Товарлар (ишлар, хизматлар) текинга берилаётганда КҚС тўловчиси бўлиб, уларни бериб юбораётган корхоналар хисобланади. Асосий воситалар корхоналар тизимининг ичидаги текинга берилса, яъни юқори ташкилотнинг буйруғи билан тақсимланса, соликъга тортиладиган оборотга қўшилмайди.

Махсулот (иш, хизматлар)ни ҳақиқий таннарх баҳосидан паст сотувчи корхоналарда соликъга тортиш мақсадида маҳсулот сотилаётганда қарор топган баҳо қабул қилинади, лекин шу товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархидан кам бўлмаслиги шарт.

Товарлар натурал ҳақ тарзида берилганда ёки касса орқали ўз ходимларига таннарх баҳосидан паст қилиб сотилганда соликъга тортиладиган оборот товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Ўзи ишлаб чиқсан товарлар корхона ичидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланса, соликъга тортиладиган оборотни аниқлашда уларнинг ҳақиқий таннархи олинади.

Хом-ашё ва материаллар эгасининг товарини ишлаб берганда соликқа тортиладиган оборот бўлиб, уларнинг қайта ишлов бериш қиймати ҳисобланади. Узоқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар учун соликқа тортиладиган оборот бўлиб, ҳисоблашиш хужжатларида тӯлаш учун кўрсатилган ва бажарилган, ҳамда буюртмачилар томонидан тасдиқланган қиймат ҳисобланади. Бу ерда ишларни бажариш жараёнида баҳоларнинг, транспорт ва хизматлар тарифининг ошиши ёки камайиши ҳисобга олиб тузилган шартнома баҳосидан келиб чиқилади. Ўз кучи билан ўз мақсадлари учун бажарилган қурилиш-монтаж ишлари соликқа тортилмайди. Моддий ресурслар, ёқилғи, иш бўйича тўланган ККС суммаси қурилиш обьектига киритилади.

Товарлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи тайёрлов, таъмирлов-сотув ташкилотлари даромадларни баҳолар, устама ва қўшимча тарзда олувчилар учун соликқа тортиладиган оборот товар истеъмолчиларга сотилган товарлар қиймати асосида улар ўртасида қўлланилган баҳолар билан аникланади, ККС суммаси қўшилмайди. Банклар учун соликқа тортиладиган оборот бўлиб, кўрсатилган хизматлар қиймати ҳисобланади.

2.3. Соликни ҳисоблаш формуласи ва унга таъсир этувчи омилларни статистик таҳлил қилиш

Қўшилган қиймат солиги ставкаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2004 йилда ҳам 20 фоиз қилиб белгиланди.

Қўшилган қиймат солиги суммаси белгилangan ставкага қараб икки хил усулда ҳисобланади:

$$\text{а) Ист.ККС} = \text{СО} * \text{Н}$$

Бу ерда: **Ист.ККС** – истеъмолчилардан ундирилладиган ККС суммаси;

СО – соликқа тортиладиган оборот;

Н – ККС ставкаси.

Ушбу усулда ККС суммасини ҳисоблаш деярли ҳамма маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) учун қўлланилади.

б) ўз ичига ККС суммаси қўшилган баҳо ва тарифларда сотилганда солик қуйидаги шаклда ҳисобланади:

$$\text{Ист.ККС} = \text{ТККС} * H / H + 100$$

Бу ерда: **ТККС** - ККСни ўз ичига олувчи товар қиймати.

Формулалардан күриниб турибдики, ККС суммасига икки омил таъсир этмоқда:

- * Соликқа тортиладиган оборотнинг ўзгариши;
- * Солик ставкасининг ўзгариши.

Биринчи формула асосида статистик таҳлилни олиб борамиз:

$$\text{Ист.ККС} = CO * H$$

Жорий даврда ККС суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Ист.ККС}_1 = CO_1 * H_1$$

Базис даврида эса:

$$\text{Ист.ККС}_0 = CO_0 * H_0$$

Иккала формулани бир-биридан айирсак, мутлок ўсиш (камайиш) келиб чиқади:

$$\Delta \text{Ист.ККС} = \text{Ист.ККС}_1 - \text{Ист.ККС}_0$$

Ушбу мутлок ўзгаришга соликқа тортиладиган даромадни ва солик ставкасини қанчага таъсир этишини қуйидагича кўришимиз мумкин. Яъни соликқа тортиладиган даромад ўзгариши эвазига ККС суммасининг ўзгариши:

$$\Delta \text{Ист.ККС}_{(co)} = (CO_1 - CO_0) * H_0$$

Солик ставкасининг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta \text{Ист.ККС}_{(n)} = (H_1 - H_0) * CO_1$$

Икки омил ҳисобига ўзгаришлар йигиндиси умумий ўзгаришни беради:

$$\Delta \text{Ист.ККС} = \Delta \text{Ист.ККС}_{(co)} \pm \Delta \text{Ист.ККС}_{(n)}$$

Статистик таҳлилни индекслар усулида ҳам амалга ошириш мумкин. ККС суммасини ҳисоблаш формуласидан келиб чиқиб, қуйидагича ККС индекси тузиш мумкин:

$$J_{\text{ККС}} = \frac{\Sigma CO_1 * H_1}{\Sigma CO_0 * H_0}$$

Индекслар усулида ҳамма омиллар ҳиссасини аниқлаш мумкин. Соликқа тортиладиган даромаднинг ўзгариши ККС индексига таъсири қуйидагича аниқланади:

$$J_{\text{ККС}}^{(co)} = \Sigma CO_1 * H_0 / \Sigma CO_0 * H_0$$

Солиқ ставкаси ўзгаришининг таъсирі:

$$J_{KKC_{(n)}} = \frac{\sum CO_1 * H_1}{\sum CO_1 * H_0}$$

Икки омил индексининг кўпайтмаси умумий индексни беради:

$$J_{KKC} = J_{KKC_{(co)}} * J_{KKC_{(n)}}$$

2.4. ҚҚСни Давлат бюджети даромадларидағи ва ЯИМдаги салмоғи

Кўшилган қиймат солигининг ЯИМдаги салмоғи ва давлат бюджети даромадларидағи салмоқларини куриб ўтамиз. Чунки бу ҳам солиқларни иқтисодий-статистик тахлил қилишнинг бир усули ҳисобланади.

12-жадвал
(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0
Кўшилган қиймат солиги	6,8	6,6	6,8	6,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилиги

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қўшилган қиймат солигининг ЯИМдаги салмоғи йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунинг камайишига сабаб ЯИМнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси юқори бўлганлигидadir.

Кўшилган қиймат солигининг давлат бюджети даромадларидағи салмоғи

13-жадвал
(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Даромадлар	100,0	100,0	100,0	100,0
Кўшилган қиймат солиги	24,4	25,0	28,6	27,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилиги

Күшилган қиймат солигининг бюджет даромадларидағи салмоғи 2000 йилда 24,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда 27,8 фоизни ташкил этяпти. Бу солик тури айrim йилларда камайиб, айrim йилларда ошиши кузатилмоқда. Буни динамика қаторларида таҳлил қилганда яққол кўришмиз мумкин.

Күшилган қиймат солигининг 2000-2003 йиллардаги динамикаси

14-жадвал

Йиллар	Солик тушумлари	Абсолют ўсиш, (млрд.сўм), ($Y_1 - Y_0$)		Ўсиш ёки камайиш суръати, (%) ($\frac{Y_1}{Y_0} \times 100$)		Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати, (%) ($\frac{Y_1}{Y_0} \times 100 - 100$)	
		базис	занжир	базис	занжир	базис	занжир
1	2	3	4	5	6	7	8
2000	138,5	-	-	-	-	-	-
2001	154,9	16,4	16,4	111,8	111,8	11,8	11,8
2002	219,9	81,4	65	158,7	141,9	58,7	41,9
2003	283,9	145,4	64	205	129	105	29

Манба: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Солик тушумлари ҳамма йилларда ҳам ўсиш тенденциясига эга. Солик суммасининг абсолют ўсиши базисли усулда анча юкори бўлса-да, занжирсизмон, яъни йилдан-йилга ўсиши 2003 йилда бироз пасайтан. Буни ўсиш суръатлари ва қўшимча ўсиш суръатларида ҳам кўриш мумкин.

Эслатма: Юридик шахслар тамом бўлган ойда солик бўйича тўлов суммаси энг кам иши ҳақининг эллик баробари микдоридан ошиб кетганда солик тўловечи охирги ойлик ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган солик суммасининг учдан бир қисми микдорида ўн кунлик тўловлар (ойнинг 15, 25 - кунлари ва наебатдаги ойнинг 5 - куни) тўлайдилар, реализация бўйича амалдаги оборотлардан келиб чиқиб, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15 - кунигача қайта ҳисоб-китоб қиласидилар.

3-боб. Акциз солиги статистикаси

3.1. Акциз солиги тушунчаси ва мохияти

Акциз (акциз солиги; лотинча accidere - кесиб ташлаш) - бу айрим товарларнинг нархига ёки тарифига киритиладиган ва харидор томонидан тұланадиган, муайян товарларни ишлаб чықариш ёки сотиш учун эгри солиқдер.

Акциз Англияда парламент томонидан киритилген эди. Акциз солиги ундирилган дастлабки предметлар сафида туз, иссиқ ичимликлар, гүшт, нон, ун бұлған. Ушбу солиқ тури Ўзбекистон Республикасида 1997 йилдан амалга киритилди.

Акциз солиги эгри солиқтар гурұхига киради. Акциз солиги тушунчаси йүрикномада құрсатилишича эгри солиқ сифатида соф даромаднинг бир қисми ҳисобланади ва у, нархда ва құшылған қиймат солиги базисида ҳисобланади деб құрсатилған. Бу солиқ эгри солиқ бұлғанлығи учун унинг ҳақиқиي оғирлиги товарни истеъмол құлувчиларға тушади, яъни акциз солигини ҳуқуқиі тұловчиси юридик шахслар (корхоналар, ташкылдар) бұлса-да, ҳақиқиі тұловчилари истеъмолчилардир. Бу ерда юридик шахслар солиқни бюджеттағы үйгіб беруви ҳисобланади.

Акцизга тортиладиган товарлар рүйхати ва солиқ ставкалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу маълумотлар Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Күмитаси томонидан солиқ тұловчиларға етказилади.

Акциз солиги тұловчилари З гурұхга бұлғанади:

- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чықарылған товарлар бүйіча акциз солиги тұловчилари;
- Ўзбекистон Республикасынан товарлар импорт құлувчи акциз солиги тұловчилари;
- Ўзбекистон Республикасидан товарлар экспорт құлувчи акциз солиги тұловчилари;

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, акциз солиги тұловчиси булиш учун қуйидаги шартлар бажарылыш көрек:

- акцизга тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи бўлиши;
- бухгалтерия балансига эга бўлиши;
- банкда ҳисоб рақамига эга бўлиши.

Ўзбекистон Республикасига товарни олиб кириш ва олиб чиқиши вазифаларини жисмоний шахслар ҳам бажариши мумкин. Бу ҳолатда улар ҳам акциз солиги тўловчилари ҳисобланади.

3.2. Акциз солигининг солиққа тортиш объекти

Акцизга тортиладиган товарлар учун солиққа тортиш объекти бўлиб шартномавий эркин баҳоларда, ўз ичига акциз солигини олган ҳолда қўшилган қиймат солиғисиз ортилган товарлар қиймати ҳисобланади.

Акциз ости товарларини натурал ҳақ сифатида ёки бепул бериш ҳам солиққа тортиш обороти ҳисобланади. Бу ерда солиққа тортиш объекти бўлиб солиқ тўловчи товарни берадигандаги баҳоси, лекин бу баҳо уни ишлаб чиқариш харажатларидан кам бўлмаслиги шарт.

3.3. Акциз солиги ҳисоблаш формуласи ва унга таъсир этувчи омилларни статистик таҳлил қилиш

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва ДСҚнинг 1997 йил 19 ноябрдаги 36/97-96-сон йўриқномасига мувофиқ акциз солиги суммаси қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$A_{\text{сол.сум.}} = (O * A) / 100$$

Бу ерда: **O** - ўз ичига КҚСиз акциз солигини оладиган шартномавий эркин нарх;

A - акциз солиги ставкаси.

Акциз солигини ҳисоблаш учун зарур бўлган шартномавий эркин нархни қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$O = C * 100 / 100 - A$$

Бу ерда: **C** - товарнинг корхонада шаклланган баҳоси;

A - акциз солиги ставкаси.

Акциз солигини ҳисоблашга доир шартли мисолни кўриб ўтамиш:

1. Товарнинг корхонада шаклланган баҳоси(C) = 100сүм.
2. Акциз солиги ставкаси (A) = 60%
3. Акциз солигини ҳисобга олиб КҶСиз шартномавий эркин нарх (O) қўйидагига тенг бўлади:

$$O = C * 100 / 100 - A = 100 * 100 / 100 - 60 = 250 \text{ сум}$$

4. Акциз солиги суммаси:

$$A_{\text{сол.сум}} = (O * A) / 100 = (250 \text{сум} * 60) / 100 = 150 \text{сум}$$

Акциз солиги суммасига таъсир этувчи асосий омиллар қўйидагилардир:

- товарнинг корхонадаги баҳоси;
- акциз солигининг ставкаси;
- акциз солигини ҳисобга олиб КҶСиз шартномавий эркин нарх.

Ушбу омиллар таъсирини аниқлаш мақсадида қўйида-
лича формула тузиш мумкин:

$$A_{\text{сол.сум}} = (O * A) / 100 = \left(\left(\frac{C * 100}{100 - A} \right) * A \right) : 100;$$

Бу формула акциз солиги суммасини жорий ва базис даврда ҳисоблаш имкониятини беради:

- a) Жорий даврда:

$$A_{\text{сол.сум (жор)}} = (O * A) / 100 = \left(\left(\frac{C_1 * 100}{100 - A_1} \right) * A_1 \right) : 100;$$

- b) Базис даврда :

$$A_{\text{сол.сум(баз)}} = (O * A) / 100 = \left(\left(\frac{C_0 * 100}{100 - A_0} \right) * A_0 \right) : 100;$$

Бу ерда: C_0 ва C_1 - товарнинг базис ва жорий даврларда корхонадаги баҳоси;

A_0 ва A_1 - акциз солигини базис ва жорий давр-
даги ставкаси.

Бундан ташқари, акциз солигини статистик таҳлил қилишида акциз солиги индекслари кўлланилади. Ушбу ин-
дексни қўйидагича келтириб чиқариш мумкин:

$$A_{\text{сол.сум}} = O * A$$

Бу формулани жорий ва базис даврлардаги нисбатини олиб қуидагини ҳосил қилиши мумкин:

$$J_{\text{ак.сол.}} = \frac{\sum O_1 * A_1}{\sum O_0 * A_0}$$

Ушбу формула соликтар статистикасида акциз солиги индекси дейилади. Агарда формулани суръатидан маҳражини айирсак, акциз солиги суммасининг мутлоқ ўзгаришини куришимиз мумкин:

$$\Delta A_{\text{сол.сум.}} = \sum O_1 * A_1 - \sum O_0 * A_0$$

Агарда акциз солиги ставкалари ўзгарган бўлса, лекин шартномавий эркин баҳо ўзгармаса, солик суммасининг фақатгина солик ставкаси эвазига ўзгаришини кўрамиз:

$$J_{\text{ак.сол.(A)}} = \frac{\sum O_1 * A_1}{\sum O_1 * A_0}$$

Бунинг абсолют ўзгариши:

$$\Delta A_{\text{сол.сум.(A)}} = \sum O_1 * A_1 - \sum O_1 * A_0$$

Агарда солик ставкалари ўзгартмаган ҳолатда бўлса, шартномавий эркин баҳони ўзгарган деб қарасак, бу товарнинг корхонадаги баҳоси ўзгариши эвазига ҳосил бўлади:

$$J_{\text{ак.сол.(O)}} = \frac{\sum O_1 * A_0}{\sum O_0 * A_0}$$

Бунинг абсолют ўзгариши қуидагича:

$$\Delta A_{\text{сол.сум.(O)}} = \sum O_1 * A_0 - \sum O_0 * A_0$$

Абсолют ўзгаришлар йиғиндиси умумий абсолют ўзгаришини беради:

$$\Delta A_{\text{сол.сум.}} = \Delta A_{\text{сол.сум.(A)}} \pm \Delta A_{\text{сол.сум.(O)}}$$

Индексларда ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин, яъни улар бир-бирига қўпайтирилади:

$$J_{\text{ак.сол.}} = J_{\text{ак.сол.(A)}} * J_{\text{ак.сол.(O)}}$$

3.3. Акциз солиги динамикаси, унинг бюджет даромадларидағи ва ЯИМдағи салмоги

Солик статистикасида ҳар соликнин динамикаси ўрганилади. Республикаизда акциз солиги динамикаси қуидагича:

15-жадвал

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Акциз солиги (млрд.сўм)	250,7	319,2	478,5	610,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Жадвалдан куриниб турибдики, 2000 йилдан 2001 йилга акциз соликда кескин ўсиш кузатилган, яъни 127 фоизга ўсган. 2002 йилдан 2003 йилга ўтишда ҳам 127,6 фоиз ўсишга эришилган. Бу солик турини динамикаси кескин ўсишга эришган бўлса-да, давлат бюджети даромадлари ва ЯИМдаги салмогида бу ҳолат кузатилмайди:

Акциз солигини ЯИМдаги салмоги

16-жадвал
(фоиз ҳис.)

Курсаткичлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100	100	100	100
Акциз солиги	7,7	6,5	6,4	6,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Акциз солигини давлат бюджети даромадларидағи салмоги

17-жадвал
(фоиз ҳис.)

Курсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Давлат бюджети даромадлари	100	100	100	100
Акциз солиги	27,5	24,8	27,0	26,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Юқоридаги жадваллар маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, акциз солиги абсолют кўрсаткичлари ўсса-да, давлат бюджетида ва ЯИМда доимий ўтишда эмас, яъни айrim йилларда ўсиш, айrim йилларда пасайиш кузатилмоқда.

Эслатма: ҳақиқий сотиш ҳажмидан келиб чиқиб акциз солиги суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тұланади:

жорий ойнинг 13 - санасигача - 1- ўн кунлик.

жорий ойнинг 23 - санасигача 2 - ўн кунлик.

келгуси ойнинг 3 - санасигача - ҳисобот ойининг охирги кунлари учун.

4-боб. Мол-мулк солиги статистикаси

4.1.Мол-мулк солиги тұловчилари ва солиқ объекті

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 89-модда-сіда ёзилишича, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бұлган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиги тұловчилари хисобланади, дейилган.

Мол-мулк солиги тұловчилари бўлиб, ўз мулкига эга бўлган юридик шахслар хисобланади.

Ягона ер солиги тұловчи қишлоқ хужалик товарлари ишлаб чиқарувчилар ва ягона солиқ тұловчи кичик корхоналар мол-мулк солиги тұламайдилар.

Корхона балансида бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўргача йиллик баланс қиймати солиқ солиши объекті хисобланади. Солиқ солиши объектига лизинг шартномаси бўйича сотиб олинган воситалар ва муддатида ишга туширилмаган мулклар қиймати ҳам киритилади.

Мол-мулк солиги ставкаси 2004-йилдан 3 фоиз қилиб белгиланди. Муддатида ишга туширилмаган мулклар учун солиқ ставкаси 2 баробарга қўпайтирилган ҳолда қўлланилади.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили ушбу ставкани ўзгартириб туриши мумкин. Ўзимизнинг ва импорт қилинган асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш графиги қуйидаги ишга тушириш муддатлари-ни эътиборга олади:

а) номлар рўйхати ва етказиб бериш графиги ҳамда режа бўйича монтаж қилишга қадар йирик технологик ва электроэнергия асбоб-ускуналари;

б) олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда технологик линиялар, бошқа умумзавод асбоб-ускуналари;

в) бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ишга туширилиш режалаштирилган импорт асбоб-ускуналари комплектини монтаж қилиш;

г) импорт асбоб-ускуналари ва кабель маҳсулотлари режаланган муддатда, лекин б ойдан ортиқ бўлмаган даврда монтаж қилиниши керак.

Монтаж қилиш графиги йўқ бўлса, асбоб-ускуналар учун куйидаги муддатлар белгиланади:

-ишлаб чиқариш объектлари учун ўзимиизда тайёрланган ва импорт қилинган асбоб-ускуналар ишга туширилмаса, сотиб олинган ойдан сўнг бир йил муддат ўтиши билан;

-ноишлаб чиқариш объектлари учун сотиб олинган кундан эътиборан б ой ўтса;

-монтаж қилиш талаб этувчи хўжалик инвентарлари ва асбоб-ускуналар бўйича сотиб олган кундан бошлаб.

Ана шу муддатлардан сўнг асбоб-ускуналар монтаж қилиб фойдаланилмаса, мол-мулк солиғи ставкаси икки марта кўпайтирилиб ҳисобланади.

4.2. Солик суммаси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили

Мол-мулк солиғи суммаси куйидагича ҳисобланади:

$$C_d = D_c * C_t$$

Бу ерда: C_d - солик суммаси;

D_c - соликка тортиладиган мулкларни ўртача йиллик қиймати;

C_t - солик ставкаси.

Бу ерда асосий жиҳатни тортадиган томони шу ерда, соликка тортиладиган мулкларнинг ўртача йиллик қийматини тўғри аниқлашдир.

Мол-мулк солиғида соликка тортиладиган мол-мулк қиймати мол-мулкларнинг ўртача йиллик қийматидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва ДСҚнинг 1997йил 10 ноябрдаги 34-97-90-сон ўёриқномасига мувоғиқ, корхона мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати ўртача хронологик формула асосида ҳисобланади:

$$\frac{1/2 \text{ янв.} + \text{фев.} + \dots + \text{дек.} + 1/2 \text{ январь}}{n - 1}$$

$\text{Урт.йил.кий.} =$

Бюджетга жорий тўловлар ҳар ойда йиллик сумманинг ўн иккidan бир қисми сифатида тўланади.

Мол-мулк солиғига асосан иккита омил таъсир этади.

Яъни:

-мол-мулкларнинг ўртача йиллик қийматини ўзгариши;
-солик ставкаси ўзгариши;

Биринчи омил таъсирини қуидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta C_{d(m)} = (D_{c1} - D_{c0}) * C_{t0}$$

бу ерда: D_{c0} ва D_{c1} - мол-мулкларнинг базис ва жорий даврлардаги ўртача йиллик қиймати;

C_{t0} - солик ставкасини базис даврдаги миқдори;

Иккинчи омил, яъни солик ставкасининг ўзгариши эвазига солик суммасининг ўзгариши қуидагича:

$$\Delta C_{d(st)} = D_{c1} * (C_{t1} - C_{t0})$$

Бу ерда: D_{c1} - мол-мулкларнинг жорий даврдаги ўртача йиллик қиймати;

C_{t1} ва C_{t0} - мол-мулк солигининг жорий ва базис даврлардаги ставкалари;

Юқоридаги икки омилнинг таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг булади:

$$\Delta C_d = \Delta C_{d(m)} \pm \Delta C_{d(st)}$$

Ушбу усуллар ёрдамида мол-мулк солигини атрофлича статистик таҳлил қилиш мумкин.

4.3. Мол-мулк солигининг давлат бюджети даромадларидаги ва ЯИМдаги солиги

Мол-мулк солиги давлат бюджети даромадларидаги саломги сезиларли даражада ўзгариб турибди.

Давлат бюджети даромадларидаги мол-мулк солиги салмоги

18-жадвал
(фоиз ҳис.)

Курсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Даромадлар	100	100	100	100
Мол-мулк солиги	2,8	2,6	2,7	2,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилиги

Мол-мулк солиғининг 2000-2002 йилларда бюджет даромадларида ўсиши кузатилган. 2003 йилга келиб эса бу солик салмофи пасайган. Буни солик ставкасининг пасайиши эвазига деб эътироф этса бўлади.

Мол-мулк солиғининг ЯИМдаги салмоғи

19-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0
Мол-мук солиги	0,9	0,8	0,7	0,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Мол-мулк солиги ЯИМдаги солиги доимий пасайишида эканини кўрдик. Шуни эътироф этиш керакки, ЯИМ қиймати йилдан-йилга ошиб боряпти, лекин мол-мулк солиги ставкаси пасайища, булар мол-мулк солиги суммасининг пасайиб боришга ўз таъсирини кўрсатяпти.

Эслатма: бюджетга жорий тўловлар ҳар ойнинг 20-санасидан кечиктирмай йиллик сумманинг ўн иккидан бир ҳисми сифатида тўланади.

5-боб. Ер солиги статистикаси

5.1. Ер солиги тұловчилари ва солиқ объекті

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 96-модда-сига мувофиқ, ўз мулкида, әгалитида ёки фойдаланишидағи ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиги тұловчилариридир.

Ялпи даромадга солиқ тұловчи савдо корхоналари ва ягона солиқ тұловчи кичик корхоналар ер солиги тұламайдилар.

Юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий ҳокимият идораларининг қарори билан ижарага олинган ерлар учун ер солиги ўрнига бюджеттега ижара ҳақи тұлайдилар.

Ижара ҳақи томонларнинг келишуви асосида ер солигининг бир ставкасидан кам, уч ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ерни ижарага олганлар ҳисоби, ижара тұлов ҳисобини тақдим қилиш, ижара тұловини ҳисоблаш ва тұлаш, ер солиги бўйича белгиланган тартиб билан амалга оширилади.

Юридик шахслар учун ер солиги объекти бўлиб, қуийдаги ер участкалари ҳисобланади:

- қонунда белгиланган тартиб бўйича ўз мулки қилиб олинган ер участкалари;
- ўрмон ҳұжалиги учун әгалик қилишга берилган ерлар;
- корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ ҳұжалигига тегишли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;
- корхоналар бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳукуки ўтиши билан бирга әгалик қилиш ва фойдаланиш ҳукуки ҳам ўтган ер участкалари.

Ер солиги ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланади ва ўзгариб туради. Ушбу маълумотлар Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Кўмитаси томонидан солиқ тұловчиларга етказилади.

Кишлоқ хұжалиги ерларининг сифати ер участкаси мүлкдори, ер әгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашса, яъни ернинг бонитети пасайиб кетса, ер сифатининг ёмонлашувиға қадар белгиланган ставкалар бүйича ундирилади. Шаҳар ва шаҳар посёлкаларининг маъмурый чегараларида жойлашган қишлоқ хұжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиги қишлоқ хұжалик ерларига белгиланган ставкаларининг икки баробари микдорида құллаб солиқ ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Кўмитасининг 1997 йил 18 ноябрдаги 39/97-101-сон ўйроқномасига мувофиқ, ер участкаларининг маъмурый ва саноат марказларига нисбатан жойлашиш ўрнига қараб қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиги ставкаларига куйидаги ошувчи коэффициентлар қўлланади:

- радиуси 20 км.гача Тошкент шаҳри атрофида - 1,3;
- Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар маркази атрофида радиуси 15 км.гача бўлса - 1,2;
- туман маркази атрофида радиуси 11 км.гача бўлса - 1,15;
- бошқа шаҳарлар атрофида радиуси 5 км.гача бўлса - 1,1 коэффициентлар қўлланилади.

Ер участкаларининг узоқлиги шаҳар ва туман марказларининг автомобиль йўллари ўтган маъмурый чегараларигача белгиланади. Ер майдони икки шаҳар ўргасида жойлашган бўлса, юқори функционал белгитанишига эга бўлган шаҳарнинг энг катта коэффициенти олиниб, солиққа тортилади. Давлат хұжаликларида ер солиги ҳисобланада, балл бонинтетига қараб куйидагича коэффициентлар қўлланади:

$$\begin{aligned}40 \text{ баллгача} &= 0,75 \\41-70 \text{ баллгача} &= 1,0 \\70 \text{ баллдан юқори-} &1,25\end{aligned}$$

Шаҳар ва шаҳар қўргонларининг маъмурый чегараларига жойлашган конлар ва карьерлар банд этган ерлар учун ер солиги шаҳар ва шаҳар қўргонларида жойлашган юридик шахслар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффициентни қўллаб солиқ ундирилади.

5.2. Ер солиғи суммаси ва унга таъсир этувчи омилларнинг статистик таҳлили

Ер солиғи суммасини ҳисоблашда асосан солиқ обьектларини тұғри аниқлаб олиш талаб этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагича формула асосида солиқни тұғри ҳисоблаш мүмкін:

$$Ce = Em * Ct$$

Бу ерда: Ce – ер солиғи суммаси;

Em – солиққа тортиладиган ер майдони;

Ct – ер солиғи ставкасы.

Ер солиғи суммасига асосан иккита омил таъсир этади:

-солиққа тортиладиган ер майдонининг ўзгариши;

-ер солиғи ставкасининг ўзгариши.

Юқоридаги омиллар таъсирини аниқлаш қуйидагича амалға оширилади:

а) жорий даврда ер солиғи суммаси:

$$Ce_1 = Em_1 * Ct_1$$

б) базис даврида ер солиғи суммаси:

$$Ce_0 = Em_0 * Ct_0$$

Жорий даврдан базис давр суммасини айирсак, ер солиғи суммасининг мутлоқ (абсолют) ўсишини топиш мүмкін:

$$\Delta Ce = Ce_1 - Ce_0$$

Агар жорий ва базис даврга ер солиғи суммаларини бир-бирига бұлсак, ер солиғи индекси ҳосил болади:

$$Je = \Sigma Em_1 * Ct_1 / \Sigma Em_0 * Ct_0$$

Әнді, формуладан фойдаланиб, омиллар таъсирини аниқлаш мүмкін. Яғни, ставкалар ўзгартылған ҳолда, ер майдонининг ўзгариши ҳисобланған солиқ суммасига қандай таъсир күрсатишини аниқтаймиз:

$$Je_{(m)} = \Sigma Em_1 * Ct_0 / \Sigma Em_0 * Ct_0$$

Бунинг мутлоқ ўзгариши қуйидагича:

$$\Delta Ce_{(m)} = (Em_1 - Em_0) * Ct_0$$

Солиққа тортиладиган майдон ўзгартылған ҳолда ставкалар ўзгариши ҳисобиға ер солиғи суммаси қандай ўзгариши қуйидагича аниқтаймиз:

$$Je_{(c)} = \Sigma Em_1 * Ce_1 / \Sigma Em_1 * Ct_0$$

Бунинг мутлок үзгариши куйидагича:

$$\Delta Ce_{(c)} = (Cm_1 - Cm_0) * Em_1$$

Алоқида индекслар күпайтмаси ер солиги индексини беради:

$$Je = Je_{(m)} * Je_{(c)}$$

Икки омилнинг мутлок үзгаришлари йифиндиси ҳам умумий ер солигининг мутлок үзгаришини беради:

$$\Delta Ce = \Delta Ce_{(m)} \pm \Delta Ce_{(c)}$$

Эслатма: Юридик шахслар томонидан (кишлок хұжалык корхоналаридан ташқары) солик йилнинг ҳар чорагида, тенг улушларда чоракдаги иккинчи ойнинг 15 - куниң гача тұйланади.

6-боб. Кичик корхоналарнинг ягона солиги статистикаси

6.1. Кичик корхоналарни ягона солиқقا тортишнинг аҳамияти ва ягона солиқ тұловчилар

Кичик корхоналарни ягона солиқقا тортишнинг аҳамияти жуда күттадир. Чунки кичик бизнес субъектларини ривожлантириш республика иқтисодиётини юксалтиради. Кичик бизнесни юксалтириш ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун жуда мухимдир.

Бу субъектни солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш мақсадида уларнинг солиқлари ихчамлаштирилди. 1998 йил 15 апрелда Вазирлар Махкамасининг 159-сон «Кичик корхоналар учун ихчамлашган солиқقا тортиш тизимига үтишиң құллаш» Қарорига асосан жорий этилди. Кичик корхоналар учун ягона солиқ тұлашта үтиш ихтиёрийдір.

Ягона солиқ тұлашта үтган кичик корхоналарда қуйидаги солиқлар ва тұловлар сақланиб қолади.

- акциз солиғи;
- бож тұловлари;
- давлат божи;
- бюджетдан ташқари фондларга тұловлар.

Кичик корхоналарни қуйидаги меъёрлари белгиланган:
Микро фирмаларда:

- ишлаб чыкарыш соҳалари учун 10 кишигача;
- савдо, хизмат курсатиши ва ноиштаб чыкариши соҳалари учун 5 кишигача.

Кичик корхоналарда:

- саноатда 40 кишигача;
- қурилиш, қишлоқ хұжалиги ва бошқа ишлаб чыкарыш соҳаларыда 20 кишигача;

-фан, илмий изланиш, чакана савдо ва бошқа ноиштаб чыкарыш соҳаларда 10 кишигача ишловчи булиши керак.

Корхонада ишловчилар сони чекланган меъёридан ошмаган юридик шахслар ягона солиқ тұловчилар ҳисобланади. Демек, кичик корхона меъёри факаттегина ишловчи-

лар сонига қараб белгиланади, уларнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулоти ёки даромадлари асосида эмас. Шу ерда кўриниб турибдики, давлат ишлаб чиқариш корхоналарини рагбатлантиради.

6.2. Солик объекти ва соликқа тортадиган даромадни аниқлаш

Ягона соликнинг обьекти икки гурӯҳга бўлинади:

-савдо ташкилотлари учун ялпи даромад;

-иктисодиётнинг бошқа соҳалар учун ялпи тушум.

Савдо ташкилотларининг ялпи даромади таркибига куйидагилар киради:

а) товарларнинг сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги қиймат фарқи;

б) молиявий фаолият даромадлари ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Иктисодиётнинг бошқа соҳа корхоналари учун ялпи тушум таркибига куйидагилар киради:

а) товарлар (ишлар, хизматлар) сотищдан тушган тушумва мулклар сотгандан олган тушум;

б) молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фаолиятнинг бошқа даромадлари киради.

Ягона солик ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йил бюджет кўрсаткичлари тасдиқланаётганда бериб борилади.

6.3. Солик суммаси ва унга таъсир этувчи омиллар статистик таҳлили

Ягона солик суммасига барча солик суммаларига таъсир этувчи омиллардан бири солик ставкаси ўз таъсирини кўрсатади.

Ягона соликни ҳисоблаш формуласи куйидагича:

$$C_{я.с} = D_{я.д.т} * C_t$$

Бу ерда: $D_{я.д.т}$ - соликқа тортадиган даромад ёки ялпи тушум;

C_t - ягона солик ставкаси;

Биринчи омил, ягона солиқ ставкасининг ўзгариши ҳисобига солиқ суммасининг ўзгариши кўйидагича:

$$\Delta C_{\text{я.с.(c)}} = (C_{t_1} - C_{t_0}) * D_{\text{я.я.т1}}$$

Иккинчи омил, яъни солиқка тортиладиган даромад ёки ялпи тушум эвазига солиқ суммасининг ўзгариши:

$$\Delta C_{\text{я.с.(d)}} = (D_{\text{я.я.т1}} - D_{\text{я.д.т0}}) * C_{t_0}$$

Икки омил йиғиндиси умумий мутлоқ ўзгаришни беради:

$$\Delta C_{\text{я.е}} = \Delta C_{\text{я.с.(c)}} \pm \Delta C_{\text{я.с.(d)}}$$

Юқоридаги усуллар ёрдамида ягона солиқ суммаси статистик таҳлил қилинади. Бундан ташқари статистик таҳлилларда солиқ турининг давлат бюджети даромадларидағи ва ЯИМдаги салмоқлари ўрганилади. Кўйидаги жадвалларда биз шуларни кўриб ўтамиз.

Кичик корхоналар ягона солигининг ЯИМдаги салмоғи 20-жадвал (фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0
Кичик корхоналар ягона солиги	0,5	0,6	0,5	0,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Кўриниб турибдики, 2000-2003 йилларда ушбу солиқ тушуми ЯИМдаги салмоғи 0,5-0,7 фоизлар атрофида бўлган.

Кичик корхоналар ягона солигининг давлат бюджети даромадларидағи салмоғи

21-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Давлат бюджети даромадлари	100,0	100,0	100,0	100,0
Кичик корхоналар ягона солиги	1,9	2,4	2,2	3,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ушбу солиқни давлат бюджети даромадларидағи салмоги 2000 йилда 1,9 фоизни ташкил этган булса, 2003 йилда 3 фоизни ташкил этган.

**Кичик корхоналарнинг ягона солигининг динамика
қаторларда статистик таҳлили**

22-жадвал

Йил-лар	Солик түшум-лари	Абсолют ўсиш (млрд. сўм) ($Y_1 - Y_0$)		Ўсиш ёки камайиш суръати (%) ($(Y_1 / Y_0) \times 100$)		Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати (%) ($(Y_1 / Y_0) \times 100 - 100$)	
		базис	занжир	базис	занжир	базис	занжир
1	2	3	4	5	6	7	8
2000	9	-	-	-	-	-	-
2001	16,3	7,3	7,3	181,1	181,1	81,1	81,1
2002	19	10	2,7	211,1	118,4	111,1	

Манба: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик корхоналар ягона солиги суммаси мутлоқ микдорларда ҳам, нисбий микдорларда ҳам ўсмоқда. Бу республикамиизда кичик бизнес субъектларини ривожланаётганидан далолат беради.

7-боб. Ягона ер солиги статистикаси

7.1. Ягона ер солиги түшүнчаси, ягона ер солиги тұловчилари ва солиққа тортиш объектлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги фармони ва Вазирлар Мажкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сон қарорига мувофиқ, 1999 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиги жорий этилди. Ушбу солик қишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг бюджетта тұловларни ихчамлаштиради ва бюджетта ягона ер солиги тұлашни жорий этади.

Кишлоқ хұжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиги жорий этиш билан қуйидаги солиқлар ва тұловлар сақланиб қолинди:

- * алкоголь маҳсулотларга акциз солиги;
- * бож тұлови;
- * давлат божи;
- * лицензия йиғимлари;
- * бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар.

Ягона ер солигини жорий этиш қишлоқ хұжалик ерларидан самарали фойдаланиши, ишловчиларнинг иқтисодий манфаатдорлыгини оширишни ва солиқлар тұлашни ихчамлаштиришдан ибораттады. Бунда ҳисоб-китоб ишлари анча енғиллашады, ишчи кучи тежалады, тұловлар тезроқ өткізу аниқроқ амалға оширилады.

Ягона ер солигини тұловчилари булиб, қишлоқ хұжалиги ширкатлари, фермер хұжаликлари, агро фирмалар, шунингдек, бошқа қишлоқ хұжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳисобланады.

Бу юридик шахслар қишлоқ хұжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш билан бирга бошқа хұжалик фаяниятты билан шуғулланишидан қатын назар, ягона ер солигини тұловчилари ҳисобланадылар.

Кишлоқ хұжалик товари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар үз ихтиёрига күра бюджетта кичик корхоналар учун

белгиланган ягона солиқни ёки қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган ягона ер солифини тўйлайдилар.

Қишлоқ хўжалигини юритиш, эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солигига тортиш обьекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, уларнинг сифати ва жойлашган жойи бўйича ер баланси, ер ҳариталари, текширувчи материаллари ва бошқа ер кадастри ҳужжатлари бўйича қабул қилинади.

Корақалпогистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик ерларига ягона ер солифининг муваққат базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича сугориладиган қишлоқ хўжалик ерлари учун ягона ер солифининг базавий ставкалари, шунингдек, ягона ер солиги муваққат базавий ставкаларининг тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Ягона ер солиги уни тўловчилар томонидан мустакил равишда ерларнинг майдони, базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга ерлардаги ер майдонлари, ер тузиш хизмати ўтказадиган ер ҳисоби маълумотлари, ерларни рўйхатдан ўтказиш ва қишлоқ хўжалик экинлар ва ерларни маҳсус асбоблар ёрдамида ўлчаш материаллари асосида тасдиқланган бўлиши лозим.

Ерларнинг ҳар бир тури (сугориладиган ерлар, лалми ерлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқалар) учун тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланилади, улар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Кўмитаси томонидан белгиланган тартибда тўловчиларга етказилади.

7.2. Ягона ер солиги суммасига таъсир этувчи омиллар ва уларни статистик тахлил қилиши

Белгиланган ставка ва тузатиш коэффициентлари асосида ерларнинг ҳар бир тури бўйича ер солиги суммаси кўйидаги формулага кўра аниқланади:

$$H = Sy * St * K$$

Бунда: **H** - ягона ер солиғи суммаси;

Sy - ер участкаси майдони;

Ст - ер солиғи ставкаси;

K - тузатиш коэффициенти.

Юқоридаги формуладан күриниб турибдики, ер солиғи суммасига учта омил таъсир этади:

- ер участкаси майдонининг ўзгариши;
- ер солиғи ставкасининг ўзгариши;
- тузатиш коэффициентини ўзгариши.

Жорий даврда ягона ер солиғи суммаси қуидагича хисобланади:

$$H_1 = Sy_1 * Ст_1 * K_1$$

Базис даврида эса қуидагича:

$$H_0 = Sy_0 * Ст_0 * K_0$$

Жорий ва базис даврлардаги ягона ер солиғи суммалари формуласининг ўзаро нисбатини олиб, қуидагича индекс ҳосил қиласиз:

$$J_H = \Sigma Sy_1 * Ст_1 * K_1 / \Sigma Sy_0 * Ст_0 * K_0$$

Агарда жорий даврда соликқа тортиладиган майдон ўзгариб, ставка ва коэффициент ўзгармаса, индекс қуидагича бўлади, яъни соликқа тортиладиган майдон ер солиғи индексига қандай таъсир кўрсатишни кўрамиз:

$$J_{H(Sy)} = \Sigma Sy_1 * Ст_0 * K_0 / \Sigma Sy_0 * Ст_0 * K_0$$

Агарда ер солиғи ставкаси ўзгариб, соликқа тортиладиган майдон ва тузатиш коэффициенти ўзгармаса, ставка бу индексга қандай таъсир этишини қуидагича кўришимиз мумкин:

$$J_{H(ст)} = \Sigma Sy_1 * Ст_1 * K_0 / \Sigma Sy_1 * Ст_0 * K_0$$

Агарда тузатиш коэффициенти ўзгариб, соликқа тортиладиган майдон ва солик ставкаси ўзгармаса, формула қуидагича бўлади:

$$J_{H(K)} = \Sigma Sy_1 * Ст_1 * K_1 / \Sigma Sy_1 * Ст_1 * K_0$$

Учта омил таъсириниң индекслари кўпайитмаси умумий индекс ўзгаришини беради:

$$J_H = J_{H(Sy)} * J_{H(st)} * J_{H(K)}$$

Мутлоқ ўзгаришда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мум-

кин. Уни қуийдагида формулалар ёрдамида таҳлил қила-
миз:

а) солиққа тортиладиган майдон үзгариши ҳисобига яго-
на ер солиги суммасининг үзгариши:

$$\Delta H_{(sy)} = (Sy_1 - Sy_o) * Cm_o * K_o$$

б) солиқ ставкасини үзгариши ҳисобига ягона ер солиги
суммасининг үзгариши:

$$\Delta H_{(cm)} = (Cm_1 - Cm_o) * Sy_1 * K_o$$

в) тузатиш коэффициенти үзгариши ҳисобига ягона ер
солиги суммасининг үзгариши:

$$\Delta H_{(\kappa)} = (K_1 - K_o) * Sy_1 * Cm_1$$

Учала омил ҳисобига үзгаришлар йиғиндиси умумий
мутлоқ үзгаришни беради:

$$\Delta H = \Delta H_{(sy)} \pm \Delta H_{(cm)} \pm \Delta H_{(\kappa)}$$

Эслатма: Ягона ер солиги бир йилда икки марта -

1- июлгача йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи миқдо-
рида ва 1- декабргача қолган солиқ суммаси түланади.

8-боб. Савдо корхоналари тұлайдиган ялпи даромад солиғи статистикаси

8.1. Ялпи даромад түшунчаси ва савдо корхонлари солиқларини ихчамлаштириш

Савдо ташкилотлари фаолият турига қараб улгуржи, чакана савдо ва овқатланиш корхоналарига бұлинади. Улар үзлари жойлашган туманларда статистика идораларидан рўйхатдан ўтган бўладилар. Улар бошқа юридик шахслар сингари солиқларни алоҳида-алоҳида эмас, балки ихчамлаштирилган ҳолда тұлайдилар.

Савдо ташкилотларида муомала ҳаражатларини камайтиришига қизиқишини ошириш мақсадида уларнинг солиқларини ихчамлаштириш, солиқларни тұлық тушишини ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тизимини тақомиллаштириш тұғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Шу Фармонга биноан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари 1999 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан озод этилди:

- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер солиғи;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари учун 1999 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги солиқ ва тұловларни тұлашиши сақтаниб қолинди:

- ялпи даромад солиғи;
- мол-мулк солиғи;
- давлат божи;
- лицензия йиғимлари.

Савдо ташкилотларида солиқларни ихчамлаштириш ҳисоб-китоб ишларини анча камайтиради, солиқларни тұлық

тушишини ва ўз вақтида тұлаш имкониятими яратади. Савдо корхоналарининг солиқларини статистик таҳлил қилишда асосий эътибор уларни ялпи даромад солигига қаратылади.

8.2. Солиқни ҳисоблаш формуласи ва унга таъсир этувчи омилларни статистик таҳлил қилиш

Маълумки, савдо корхоналарида ялпи даромаддан олинадиган солиққа бир қанча омиллар таъсир қиласы. Хусусан, бунга товар обороти, ялпи даромад, солиқ ставкаси каби омиллар киради. Улар ўртасидаги боғлиқликни күйидеги формула асосида ифодалаш мумкин:

$$CC = T \times Ct$$

Бунда: **СС** - ялпи даромаддан олинадиган солиқ суммаси;

T - ялпи даромад;

Ct - ялпи даромад солиги ставкаси;

Ялпи даромаддан олинадиган солиқ суммасининг ўзгаришини статистиканинг бир қанча усуулларидан фойдаланып таҳлил қиласы мумкин. Иктысодчилар ва статистиклар учун анъанавий усул бўлган индекслар усулидан фойдаланып таҳлил қиласиз. Ҳар бир омилнинг индивидуал индексларини олиб қўйидагича формула тузиш мумкин:

$$J_{cc} = I_t \times I_{ct}$$

Қўриниб турибдики, ушбу индекслар усули билан на-тижани ўзгаришини мутлоқ ва нисбий миқдорларда ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда натижани умумий индексини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$J_{cc} = (\sum T_1 * C_{t1} / \sum T_0 * C_{t0}) \times 100$$

Бу формула орқали натижани қанча фоизга ўзгарганлини аниқлаш мумкин. Агар формулани суръатидан маҳражини айирадиган бўлсак, натижанинг мутлоқ миқдори ҳисобланади:

$$\Delta CC = (T_1 \times Ct_1) - (T_0 \times Ct_0)$$

Ушбу омиллар таъсирини алоҳида-алоҳида ўрганадиган бўлсак улар қўйидагича бўлиши мумкин.

1. Солиқ суммасини ялпи даромад эвазига ўзгаришини кўриб ўтамиш:

а) нисбий ўзгариши:

$$J_{CC} = (\Sigma T_1 * C_{T_0} / \Sigma T_0 * C_{T_0}) \times 100\%$$

б) мутлоқ ўзгариши:

$$\Delta CC_m = (T_1 * C_{T_0}) - (T_0 * C_{T_0})$$

2. Солиқ суммасининг солиқ ставкаси таъсири ҳисобига ўзгаришини кўриб ўтамиш:

а) нисбий ўзгариши:

$$J_{CC_{ct}} = (\Sigma T_1 * C_{T_1} / \Sigma T_1 * C_{T_0}) \times 100\%$$

б) мутлоқ ўзгариши:

$$\Delta CC_{ct} = (T_1 * C_{T_1}) - (T_1 * C_{T_0})$$

Одатдагидек, барча омиллар йифиндиси натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлади:

$$\Delta CC = \Delta C_t \pm \Delta CC_{ct}$$

Бу усулларни амалий мисолларда қўллаб ҳисоблаб чиқиш мумкин. Ушбу усуллар амалиётда қўлланса, катта муваффакиятларга эришиш мумкин.

Эслатма: Юридик шахслар солиқ суммасини ҳар ойнинг 15 - санасидан кечиктирмай бюджетга тўлашилари лозим.

9-боб. Экология солиги статистикаси

9.1. Экология солиги тұловчилари ва солиққа тортиш объектлары

Экология солиги тұловчилари булиб, товарлар чиқарувчи, ишлар бажарувчи ва хизмат күрсатувчи юридик шахсілар ҳисобланади.

Ягона ер солиги тұловчи қишлоқ хұжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари, ягона солиқ тұловчи кичик корхоналар ва савдо ташкилотлари экология солиги тұламайдылар.

Экология солиғининг солиққа тортиш объекті булиб, маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳисобланади. Банклар ва суурта ташкилотлари учун ишлаб чиқариш таннархи уларнинг жами харажатлари асосида ҳисобланади.

Воситачилик, таъминлов, тайёрлов ташкилотларида экология солиғининг объекті булиб, муюмала харажатлары ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида муюмала харажатларига қуидагилар киради:

- сотиши харажатлары;
- маъмурий бұлмаган харажатлар;
- бошқа операцион харажатлар.

Бошқа соқаларда солиққа тортиш объекті булиб, маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг тұлық таннархи ҳисобланади.

Экология солиги ставкаси 2004 йилда муюмала харажатлари ва ишлаб чиқариш таннархига нисбатан 1 фоиз қилиб белгиланди.

9.2. Экология солиги суммаси ва үнга таъсир этувчи омилларнинг статистик таҳлили

Экология солиги суммаси қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{СЭК} = \text{Тc} * \text{Ст}$$

Бу ерда: СЭК - экология солиги суммаси;

Тс - махсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи;

Ст - экология солиги ставкаси.

Жорий даврда экология солиги суммаси куйидагича:

$$СЭк_1 = Тс_1 * Ст_1$$

Базис даврда эса:

$$СЭк_0 = Тс_0 * Ст_0$$

Жорий даврдан базис даври суммасини айирсак, экология солигининг абсолют ўсишини аниқлаш мумкин:

$$\Delta СЭк = T_{\text{эк}1} * C_{\text{эк}1} - T_{\text{эк}0} * C_{\text{эк}0}$$

Юкоридаги формулаларни бир-бирига бўлсак, (жорий давр суммасини базис давр суммасига) экология солигининг индекси ҳосил бўлади:

$$JЭк = \Sigma Tc_1 * Сt_1 / \Sigma Tc_0 * Сt_0$$

Бу ерда омиллар таъсирини тўлиқ аниқлаш мумкин. Яъни, ставкалар ўзгармаган ҳолда махсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини жорий ва базис даврларда ҳисоблаб таҳдил қилиш мумкин. Мутлоқ ўсишда ҳам худди шу усулни кўллаш мумкин.

9.3. Экология солигини динамика қаторларида таҳдил қилиш, унинг ЯИМдаги ва бюджет даромадларидағи салмоги Экология солигини динамик қаторларда статистик таҳдили

23-жадвал

Йиллар	Солик тушумлари	Абсолют ўсиш (млрд.сўм)		Ўсиш ёки камайиш суръати (%)		Кўшимча ўсиш (камайиш) суръати (%)	
		базис	занжир	базис	занжир	базис	занжир
1	2	3	4	5	6	7	8
2000	10,7	-	-	-	-	-	-
2001	13,3	2,6	2,6	124,2	124,2	24,2	24,2
2002	18,1	7,4	4,8	169,2	136	69,2	36
2003	25,7	15	7,6	240,2	142	140,2	42

Манба: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, экология солиғи тушумлари мутлоқ ва нисбий миқдорларда ҳам ўсишга эгадир. Бундан ташқари ушбу солик турини ЯИМдаги ва давлат бюджети даромадларидағи салмоқларини ҳам кўриб ўтамиз.

Экология солиғи ЯИМдаги салмоғи

24-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100	100	100	100
Экология солиғи	0,6	0,6	0,6	0,65

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Экология солиғининг давлат бюджети даромадларидағи салмоғи

25-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Давлат бюджети даромадлари	100	100	100	100
Экология солиғи	2,1	2,5	2,5	2,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Экология солиғи ЯИМ таркибида ва давлат бюджети даромадларидағи салмоғи ошиб бормоқда. Буни мамлакатимизда ишлаб чиқариш ривожланаётганлигидадир деб изохлаш мумкин.

Эслатма: Экология солиги юридик шахслар томонидан ҳар чоракда тўланади.

10-боб. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқи статистикаси

10.1. «Ер ости» тушунчаси, солиқ тұловчилар ва солиққа тортиш обьекти

Солиққа тортиш мақсадида «ер ости» тушунчасига ер қаърининг тупроқ қисмидан пастда жойлашған қисми түшунилади.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси худудида фойдали қазилмаларни қазиб олиши, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан борлық бұлмаган ер ости иншоатлар қуриш ва улардан фойдаланишини амалта оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тұлайдилар.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ягона солиқ тұловчи кичик корхоналар, ягона ер солиғи тұловчилар ва савдо ташкілотлари тұламайдилар.

Агарда металлар ва минерал хом-ашёни қазиб олувчи корхоналар уни қайта ишлаш учун иккинчи бир корхонага берса, солиқ тұловчи бұлиб тайёр маҳсулот сотувчи корхона ҳисобланади. Агарда қазиб олинған рудани қайта ишлаш учун республикадан ташқарига экспортта чиқарылса, солиқ тұловчи бұлиб руда қазиб олған корхона ҳисобланади.

Солиққа тортиш обьекти бұлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-фойдали қазилмалар (шу жумладан, құшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қымматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми ҳақиқий маҳсулот сотиши қиймати ҳисобланади. Бу ерда КҚС ва акциз чегирилиб ташланған ҳақиқий сотилған маҳсулот қиймати солиқ обьекти бұлиб ҳисобланади;

-техноген ҳосилаларининг ҳақиқий сотиши қиймати КҚС ва акциз чегирилған ҳолда ҳисобланади. Техноген ҳосилиларига минерал хом-ашёларнинг чиқындиштар ва ишлов беришлар киради;

-фойдалы қазилмалар қазиб олиш билан боғлик бўлмаган ер ости иншоотлари ҳамда ер ости бўшликлари ва бошқа ер ости иншоотлари киради;

-рангли тошлар хом-ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қуийлган ер қаъри участка майдони киради.

Солик ставкаси ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

10.2. Солик суммаси ва унга таъсир этувчи омилларнинг статистик таҳлили

Ер остидан фойдаланиш солиги суммасига асосан қуийдаги омиллар таъсир этади:

-қазиб олинган хом-ашё (соликка тортиладиган объект);
-солик ставкалари.

Солик суммаси қуийдагича ҳисобланади:

$$Сe.o.φ = Де.o.φ * Сt$$

Бу ерда: **Сe.o.φ** - ер остидан фойдаланиш солиги суммаси;

Де.o.φ - қазиб олинган хом-ашё ёки соликка тортиладиган оборот;

Ст - солик ставкаси.

Омиллар таъсирини қуийдагича аниқлаш мумкин:

а) соликка тортиладиган объект ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta Сe.o.φ_{(a)} = (Дe.o.φ_1 - Дe.o.φ_0) * Сt_0$$

б) солик ставкасининг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta Сe.o.φ_{(c)} = (Сt_1 - Сt_0) * Де.o.φ_1$$

Иккалла омил таъсирида ўзгаришлар йигиндиси, умумий ўзгаришни беради:

$$\Delta Сe.o.φ = \Delta Сe.o.φ_{(a)} \pm \Delta Сe.o.φ_{(c)}$$

10.3. Ер остидан фойдаланганлик учун солигининг ЯИМдаги ва давлат бюджет даромадларидағи салмоги

Ер остидан фойдаланиш солигининг ЯИМдаги салмоги
26-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100	100	100	100
Ер остидан фойдаланиш солиги	0,3	0,2	0,2	0,25

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ер остидан фойдаланиш солигининг Давлат бюджети даромадларидағи салмоги

27-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Давлат бюджети даромадлари	100	100	100	100
Ер остидан фойдаланиш солиги	1,6	0,7	0,8	1,05

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ер остидан фойдаланганлик учун солик ЯИМдаги ва давлат бюджети даромадларидағи салмоқлари 2001-2002 йилларда ўзгармас бўлган. Бошқа йилларда эса бу кўрсаткич бироз пасайганини ва ошганини кўришимиз мумкин. Энди ер остидан фойдаланганлик учун солигини динамика қаторларидағи таҳлилини кўриб ўтамиз:

Ер остидан фойдаланиш солигининг 2000-2003

йиллардаги динамика қаторларидаги таҳлили

28-жадвал

Йил-лар	Солик тушумлари	Абсолют ўсиш (млрд.сўм) ($Y_1 - Y_0$)		Ўсиш ёки камайиш суръати (%) ($(Y_1 / Y_0) \times 100$)		Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати (%) ($(Y_1 / Y_0) \times 100 - 100$)	
		базис	занжир	базис	занжир	базис	занжир
1	2	3	4	5	6	7	8
2000	5,5	-	-	-	-	-	-
2001	7,0	1,5	1,5	127,2	127,2	27,2	27,2
2002	10,5	5	3,5	191	150	91	50
2003	12,2	6,7	1,7	221,8	116,2	121,8	16,2

Манба: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиги ЯИМдаги давлат бюджети даромадларидаги салмоқлари камайиб борса-да, динамика қаторларида бу кўрсаткич мунтазам ўшишга эга. Масалан, бу кўрсаткич 2003 йилда 2000 йилга нисбатан 221,8 фоизга ўсан ёки бу 6,7 млрд.сўмни ташкил этади.

Эслатма: Ер остидан фойдаланганлик учун солик: фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилаларидан фойдаланганлик учун ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20 - кунигача; минерал ҳом-ашё қазиб олиш ва уни қайта ишилаш билан бөглиқ бўлган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун - бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиши учун белгиланган кундан эътиборан ўн кун муддати ичида; қолган ҳолларда йилнинг ҳар чорагида, йиши чораклари бўйича ва йиллик ҳисоботларни топшириши муддатида тўланади.

11-боб. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи статистикаси

11.1. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи тұловчилари ва солиқ объекті

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи тұловчилари булиб, үз фаолиятида, сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳисобланади. Сув манбаларининг қаерда жойлашганидан қатын назар, юридик шахслар үzlари рүйхатдан үтган солиқ идораларига солиқ тұлайдилар.

Ягона солиқ тұловчи кичик корхоналар, ягона ер солиғи тұловчилар ва ялпи даромадга солиқ тұловчи савдо корхоналари бу солиқни тұламайдилар.

Ер ости ва ер усти манбаларидан ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадларда фойдаланиш учун олинган сув ресурслари ҳажми, яъни юридик шахслар үз фаолиятлари давомида фойдаланган сув ҳажми солиққа тортиш объекти булиб ҳисобланади.

Ер ости манбаларига артезиан құдуқлари, горизонтал ва вертикал дренаж тармоқлари киради.

Ер усти манбаларига дарёлар, құллар, сув омборлари ва бошқа ер усти сув ҳавзалари киради.

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи ставкалари Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

11.2. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи суммаси ва үнга таъсир этувчи омиллар статистик таҳлили

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғига асосан икки омил таъсир этади:

-солиққа тортиладиган сув ҳажми;

-солиқ ставкасы;

Солиққа тортиладиган сув ҳажми икки гурухга булинади, яъни ер ости ва ер усти манбаларидан олинган сув ҳажми.

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$Cc.p.f = Cr.x * Ct$$

Бу ерда: $Cc.p.f$ - сув ресурсларидан фойдаланиш солиги суммаси;

$Cr.x$ - солиққа тортиладиган сув ҳажми;

Ct - солиқ ставкаси.

Омиллар таъсирини қуийдагича аниқтаймиз:

а) сув ресурслари ҳажми ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta Cc.p.f_{(x)} = (Cr.x_1 - Cr.x_0) * Ct_0$$

б) солиқ ставкасининг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta Cc.p.f_{(Ct)} = Cr.x_1 * (Ct_1 - Ct_0)$$

Иккалла омил таъсиридаги ўзгаришлар йигиндиси умумий ўзгаришни беради:

$$\Delta Cc.p.f = \Delta Cc.p.f_{(x)} \pm \Delta Cc.p.f_{(Ct)}$$

Солиқ суммасини ҳисоблаш формуласидан сув ресурсларидан фойдаланиш солиги индексини ҳосил қилиш мумкин:

$$Jc.p.f = \Sigma Cr.x_1 * Ct_1 / \Sigma Cr.x_0 * Ct_0$$

Иккита омилдан бирини ўзгармас қилиб, бошқа омил таъсирини аниқлаш мумкин. Юқоридаги формулалар асосида сув ресурсларидан фойдаланиш солигини атрофлича статистик таҳлил қилиш мумкин.

11.3. Сув ресурсларидан фойдаланиш солигининг ЯИМдаги ва давлат бюджети даромадларидағы салмоги

Сув ресурсларидан фойдаланиш солигининг ЯИМдаги
салмоги

29-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кұрсаткічлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100	100	100	100
Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги	0,1	0,1	0,09	0,08

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилиги

**Сув ресурсларидан фойдаланиш солигининг давлат
бюджети даромадларидағи салмоги**

30-жадвал
(фоиз ҳис.)

Күрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Давлат бюджети даромадлари	100	100	100	100
Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги	0,5	0,4	0,4	0,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ЯИМда бу кўрсаткич 2001 йилдан кейин пасайиш кузатилган. Аммо давлат бюджетидаги сув ресурсларидан фойдаланиш солигининг салмоғи 0,4-0,5 фоизлар атрофида турибди. Ке-йинги жадвалда ушбу солиқ турининг динамика қаторларида таҳлилини кўриб ўтамиз.

**Сув ресурсларидан фойдаланиш солигининг 2000-2003
йиллардаги динамика қаторларида таҳлили**

31-жадвал

Йил- лар	Солиқ тушум- лари	Абсолют ўсиш (млрд.сўм) ($Y_1 - Y_0$)		Ўсиш ёки камайиш суръати (%) ($Y_1 / Y_0 - 1$)x100		Кўшимча ўсиш (камайиш) суръати (%) (Y_1 / Y_0)x100-100	
		базис	занжир	базис	занжир	базис	занжир
1	2	3	4	5	6	7	8
2000	2,3	-	-	-	-	-	-
2001	2,5	0,2	0,2	108,7	108,7	8,7	8,7
2002	4,2	1,9	1,7	182,6	168	82,6	68
2003	6	3,7	1,8	261	143	161	43

Манба: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

2000-2003 йилларда сув ресурсларидан фойдаланиш со-
лиғи мұтлоқ міңдерларда мунтазам ұсияпти. Ұсиш суръати
айниңса 2001 йилга нисбатан 2002 йилда құпайған, яғни бу
168 фоизни ташкил этган.

Эслатма: Сув ресурсларидан фойдаланғанлық үчүн
солиқ, амалда олинған сувнинг ҳажмидан келиб чиқыб ҳар
ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунига қадар
тұланаади. Қишлоқ, хұжалиғи корхоналари сув ресурслা-
ридан фойдаланғанлық үчүн солиқни бир йилда бир марта
- жорий йилнинг 15 декабрига қадар тұлайдылар.

12-боб. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги статистикаси

12.1. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, солик тұловчилар ва солик объекті

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрда қабул қылган «Ижтимоий соҳанинг идоравий объектларини жойлардаги давлат ҳокимият органларига босқичма-босқич үтказиш тұғрисида»ги 453-сонли қарорига, 1997 йил 5 декабрдан «1998 йил Үзбекистон Республикасининг асосий макроқұтисодий күрсаткышлари ва Давлат бюджети прогнози тұғрисида»ги 540-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чықылған.

Үзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштан ва тадбиркорлық фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги шахслар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги-ни тұловчилари ҳисобланади.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг объекті бұлып, ҳамма солиқни тұлаб бұлғандан кейинги фойда ҳисобланади.

Бу солиқни тұловчилар таркиби тадбиркорлық билан шүгүлланмайдын нотижорат ташкилотлари, ягона солик тұловчи кичик корхоналар, хукumat қарорлари ва фармонлари билан ҳамма солиқлардан озод этилған корхоналар кирмайды.

У фойда («Молиявий натижалар тұғрисидеги ҳисобот»-нинг) солиққа тортилгунга қадар фойдадан (170-сатр) даромад солиги суммасини (180-сатр) чегириб ташлаб, қолган суммадан ҳисобланади.

Агар корхона 170-сатрда корхона зарап билан якунланған бұлса, бу корхона ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тұламайды.

12.2 Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги суммаси ва унга таъсир этувчи омиллар статистик таҳлили

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги суммасига асосан қўйидаги омиллар таъсир этади:

соликкә тортиладиган даромад;

солик ставкасининг ўзгариши;

корхона даромад солиги.

Корхонанинг даромад солиги қанча юқори бўлса, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги суммаси камайди. Бу ерда асосан ижтимоий инфратузилмани ривожлатириш солигига даромад (фойда) солигининг ставкаси таъсир этади. Даромад (фойда) солиги ставкаси қанча камайса, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги суммаси кўпаяди. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги қўйидагича ҳисобланади:

$$\text{Си.р.с} = \text{Ди.р.с} * \text{Ст}$$

Юқоридаги формула га омилларниң таъсир этишини қўйидагича кўриш мумкин:

$$\Delta \text{Си.р.с}_{(a)} = (\text{Ди.р.с}_1 - \text{Ди.р.с}_0) * \text{Ст}_0$$

Яъни, бу ерда соликкә тортиладиган даромаднинг ўзгариши солик суммасига таъсир қўрсатади. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги ставкасининг ўзгариши солик суммасига таъсирини қўйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta \text{Си.р.с}_{(c)} = (\text{Ст}_1 - \text{Ст}_0) * \text{Ди.р.с},$$

Иккала омил таъсиридаги ўзгаришларниң йифиндиси, умумий солик суммасининг ўзгаришига teng бўлади:

$$\Delta \text{Си.р.с} = \Delta \text{Си.р.с}_{(a)} \pm \Delta \text{Си.р.с}_{(c)}$$

Юқоридаги формула ларга асосланиб, индекс тузиш мумкин. Бунда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги индексини ҳосил қиласмиш:

$$\text{Ди.р.с} = \Sigma \text{Ди.р.с}_i * \text{Ст}_i / \Sigma \text{Ди.р.с}_0 * \text{Ст}_0$$

Индекс усулида ҳам омиллар таъсирини аниқлаш мумкин. Ушбу формула лар асосида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини атрофлича статистик таҳлил қилиш мумкин.

Энди ушбу солик турини динамика қаторларида статистик таҳлилини кўриб ўтамиз.

**Ижтиомий инфратузилмани ривожлантириш учун
соликнинг динамика қаторларида статистик таҳлили**

32-жадвал

Йиллар	Солик тушумлари	Абсолют ўсиш (млрд.сўм)		Ўсиш ёки камайиш суръати (%)		Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати (%)	
		базис	занжир	базис	занжир	базис	занжир
1	2	3	4	5	6	7	8
2000	4,8		-	-	-	-	-
2001	6,3	1,5	1,5	131,2	131,2	31,2	31,2
2002	9,9	3,6	3,6	206,2	157	106,2	57
2003	12	7,2	2,1	250	121,2	150	21,2

Манба: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ижтиомий инфратузилмани ривожлантириш солиги 2000-2003 йилларда мунтазам ўсишга эга. Бу, айниқса, 2002 йилда 2001 йилга қараганда кўпроқ кўзга ташланади, яъни ўсиш суръати 157 фоизни ёки бу 3,6 млрд.сўмни ташкил этади.

III-Бўлим

Жисмоний шахслар солиқлари статистикаси

1-боб. Жисмоний шахслар даромад солиги статистикаси

1.1. Жисмоний шахслар даромад солиги, даромад солиги тўловчилари ва солиқقا тортиладиган объект

Солиқ тизимини яна бир муҳим йўналиши аҳолидан олинадиган даромад солигидир. Аҳолидан олинадиган даромад солигининг мураккаблик томони шундаки, биринчидан, солиқ тўловчиларнинг сони кўп, иккинчидан солиқ тўловчилар билан солиқ ундирувчилар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот юзага келади. Шунинг учун уларни солиқка тортиш тизимини жуда яхши ишлаб чиқиш зарур. Жисмоний шахсларни солиқка тортишнинг яна бир муҳим томони, улар солиқларини асосан нақд пулда тўлайдилар. Бу жараёнларни албатта статистик таҳлил қилиш бугуннинг талабидир.

Шу муносабат билан солиқ тизимининг энг муҳим йуналышларидан бири бўлган аҳолидан олинадиган солиқларни ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, бозор муносабатлари ривожланиб борган сари, бу солиқларни давлат бюджети таркибидаги салмоғи ортиб боради. Чунки, ҳар қандай ривожланган давлатларда ҳам жисмоний шахслар солиқлари бюджет даромадларида юқори кўрсаткичга эга. Аммо, бизнинг республикамиз бюджети даромадлари қисмида жисмоний шахслар солиқлари салмоғи паст даражада. Мисол учун Америка Кўшма Штатларида Федерал бюджет таркибида юридик ва жисмоний шахслар даромад солиги 54,3 фоиз, шундан, юридик шахслар 9,3 фоиз, жисмоний шахслар эса 45 фоизини ташкил этади. Бу Федерал бюджетнинг қарийиб 50 фоизга яқинини жисмоний шахслар даромад солиги тўлдиради, деганидир-

(1996йил). Германияда эса, 1996 йил жисмоний шахслар даромад солиги бутун давлат бюджетининг 40,7 фоизини ташкил этган. 2-жадвал маълумотларини таҳлил қиласидан бўлсак, 2000-2003 йилларда жисмоний шахслар даромад солиги бюджетнинг жами даромадлари даги салмоги 11,5-13,5 фоизлар орасида бўлган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бизнинг давлатимизда жисмоний шахслар солиқлари бюджетда жуда кам салмоққа эга. Ушбу ҳолатларни ўрганиш учун жисмоний шахсларнинг даромад солигини статистик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Статистик таҳлил олиб бориш учун авваламбор жисмоний шахс тушунчасига ва уларнинг даромадлари таркибини тўғри ўрганиш лозим.

Жисмоний шахслар юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бу шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари киради.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахснинг тўғридан-тўғри ўз даромадидан олинади.

Молия йилида солиққа тортиладиган даромадга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Солиққа тортиладиган даромад тушунчасига жисмоний шахсларнинг жами даромадидан солиқ қонунчилиги бўйича кўрсатилган чегирмаларни чиқариб ташлагандан сўнг қолган қолдик ҳисобланади.

Бу даромад резидент ва норезидентлар даромадига бўлиниади.

Молия йилида Ўзбекистон Республикаси худудида 183 кун ва ундан ортиқ вақт яшовчи жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси резиденти деб аталади. Шу кўрсатилган муддатдан кам вақт яшовчи жисмоний шахслар норезидент деб аталади. Ўзбекистон Республикаси резиденти - жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида манбай бўлган ва ундан ташқарида олган даромадлари бўйича даромад солиғига тортилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тұланған солик суммаси Ўзбекистон Республикасида солик тұлаш пайтида Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро қонунларига биноан ҳисобға олинади. Ўзбекистон Республикаси норезиденти фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олган даромадларидан солик тұлайды. Ҳисобға олинаётган солик суммаси миқдори Ўзбекистон Республикасида ҳаракатда бұлған солик ставкаларida ҳисобланған жисмоний шахсларнинг даромадың солиғи суммасидан ошиб кетмаслығы шарт.

Солик обьекті булып жами ийлilik даромад билан солик қонунчилігі бүйіча чегирилиб ташланадиган чегирмалар орасидаги фарқ сифатида аниктәнған миқдор ҳисобланади. Бу ерда энг муҳим нарса жисмоний шахснинг жами даромад таркибини тұғри аниклаштырылады. Жисмоний шахснинг ийлilik даромади пулда ёки белгілі олинған маблағларидан. Бу даромадтар асосан қуйидаги шақлда бұлады:

- меңнат ҳақи тариқасида олинған даромадлар;
- мулкій даромадлар;
- тадбиркорлық фаолиятидан олинған даромадлар.

Меңнат ҳақи тариқасида олинған даромадларга меңнат шартномаси бүйіча ишлардан ва фуқаро - ҳуқуқиін қарастырга зерттеуден шартномалар бүйіча олинған даромадлар киради. Меңнат ҳақи тариқасида олған даромадларига юқоридагилардан ташқари яна қуйидагилар киради:

- а) ишловчиларга сотилған товарлар (ишлар, хизматтар)нинг қиймати билан шу товарлар (ишлар, хизматтар) таннахии ёки сотиб олиш бағоси үртасидаги фарқ;
- б) иш берувчи юридик шахснинг, ходимларнинг фаолияти билан боғлиқ бұлмаган харажатларини қоплаш суммалари;
- в) иш берувчи томонидан ишчининг корхонадан қарз бұлған суммасини ҳисобдан чиқариш;
- г) иш берувчининг үз ходимлари соғлиги ва ҳаётининг ихтиёрий суғуртаси бадалларини тұлаш харажатлари;
- д) иш берувчи томонидан жисмоний шахслар тұлаши лозим бұлған тұловларни тұлаб юборған суммалари;
- е) иш берувчининг үз ходимларига тұғридан-тұғри ёки

эгри йўл билан даромадларини ташкил этувчи харажатлари. Бу харажатларга юридик шахс томонидан қилинган коммунал хизмат тўловлари, давлат пенсияларига устама пенсия бериш, йўл билетлари қиймати, озиқ-овқатга қўшимча тўловлар, рўзнома ва ойномалар учун тўлаб юбориш, сайдхлик йўлланмалари, спорт клублари абонементлари тўловлари киради.

Жами даромадга ишловчининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган меъёрдан ортиқ сафар харажатлари кирмайди. Меъёрдан ортиқ сафар харажатларининг маълум қисми жами даромадга қўшилади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган жами даромадларига қонунларда рухсат этилган, ўзининг мулкий жавобгарлиги асосида даромад олиш мақсадида кўрсатилган актив фаолиятидан, товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган ҳамма тушумлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ 2004 йил 1 августдан энг кам иш ҳаки 6530 сўм қилиб белгиланди. Бу ҳолат доимий иш жойига эга бўлган ишчиларга ва доимий иш жойига эга бўлмаган тадбиркорларга тегишлидир.

1.2. Даромад солигини ҳисоблаш ва унга таъсир этувчи омилларни статистик тахлил қилиш

Жисмоний шахслар даромад солиги ставкалари 1998 йилдан 45 фоизлик энг юқори ставка билан 5 даражали шкала қўлланиб келинган. 2000 йилда энг кам ой иш ҳақининг 10 баравари микдоридан ошувчи даромадидан 40 фоизлик энг юқори ставка қўлланди. 2004 йилда эса энг юқори ставка 30 фоиз қилиб белгиланди ва 3 даражали шкала қўлланди:

33-жадвал

Жами даромад микдори	Солик суммаси
Энг кам иш ҳақининг беш баравари микдоригача	Даромад суммасининг 13 фоиз микдорида

Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1сүм) ўн баравар миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 21 фоизи миқдорида
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сүм) ва ундан юқори	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқоридан олинадиган солиқ суммаси + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 30 фоизи

Демак, йилдан-йилга солиқ ставкалари такомиллашиб бормоқда. Бу ўз навбатида фуқароларимизга ижобий таъсир курасатади.

Белгиланган ставкага қараб даромад солиғи үсиб борувчи тартибда ҳисобланади. Жисмоний шахслар даромад солигини ҳисоблашта доир шартли мисолни кўриб ўтамиз.

1-мисол. Фуқаро Рустамовга май ойида 30000 сүм иш ҳақи ҳисобланган. Январь-май ойлари давомида топган умумий даромад миқдори $126000 \text{ сүмни} (24000 + 24000 + 24000 + 24000 + 30000)$ ташкил қилган. Январь-апрель ойида ушланган солиқ миқдори 12957 сүмни ташкил қилган.

2003 йил май ойи учун жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари

34-жадвал

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ ставкаси
$(5*23580)=117900 \text{ сўмгача}$	Даромад суммасининг 13 фоиз миқдорида
$117901 \text{ сўмдан } (10*23580) = 235800 \text{ сўмгача}$	$15327,0 + 117900 \text{ сўмдан ортиқ сумманинг 22 фоизи миқдорида}$
$235801 \text{ сўм ва ундан юқори миқдори}$	$41265,0 + 235800 \text{ сўмдан ортиқ миқдорнинг 32 фоизи}$

Январь-май ойлари учун энг кам иш ҳақи - 23580 (4535 + 4535 + 4535 + 5440)

Май ойида иш ҳақидан даромад солиги қуийдаги тартибда ушлаб қолинди:

1. Январь-май ойи учун солик миқдори аниқланди:

$$15327 + (126000 + 117900) * 22\% = 17109 \text{ сүм.}$$

2. Май ойида ушланиб қолиниши лозим булган солик миқдори аниқланди:

$$17109 - 12957 = 4152 \text{ сүм.}$$

Юқоридаги усулда даромад солиги суммаси ҳисобланади ва бюджеттега ўтказилади. Ҳисоблаш ишларидан кўриниб турибдики, даромад солиги суммасига уч омил ўз таъсирини кўрсатяпти:

- энг кам иш ҳақи суммаси;
- солик ставкалари;
- жисмоний шахсларнинг олган даромадлари миқдори.

Ушбу омилларни даромад солиги суммасига таъсирини аниқлаш учун даромад солигини ҳисоблаш формулаларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

1.3. Жисмоний шахслар даромад солигининг ЯИМдаги ва давлат бюджети даромадларидағи салмоги

Жисмоний шахслар даромад солигини ЯИМдаги салмоги
35-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0
Жисмоний шахслар даромад солиги	3,2	3,4	2,8	3,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Бу ерда 2000-2001 йилларда солиқ салмоғи ортиб борган бўлса-да, 2002 йилда пасайиш кузатилган. Буни ЯИМни ҳажми ортиши билан изоҳласа бўлади.

Жисмоний шахслар даромад солигининг бюджет даромадларидағи салмоғи

36-жадвал
(фоиз ҳис.)

Кўрсаткичлар	1999	2000	2001	2002	2003
Даромадлар, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100, 0
Ж.ш. даромад солиги	11,5	11,6	13,0	12,0	13,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Жисмоний шахслар даромад солиги тўғри соликлар ичидаги ҳажмига кўра иккинчи ўринда туради. 2003 йилда уларни бюджет даромадларидағи салмоғи 13,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 9,8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Ушбу солик тушумларига таъсир этувчи омиллар асосан солик ставкалари ва фуқаролар олган даромадларидир.

Жисмоний шахслар даромад солигининг 2000-2003 йиллардаги динамикаси

37-жадвал

Йил-лар	Солик тушумлари	Абсолют ўсиш (млрд. сўм) ($Y_1 - Y_0$)		Ўсиш ёки камайиш суръати (%) ($(Y_1 / Y_0) \times 100$)		Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати (%) ($(Y_1 / Y_0) \times 100 - 100$)	
		базис	занжир	базис	занжир	базис	занжир
1	2	3	4	5	6	7	8
2000	49,6	-	-	-	-	-	-
2001	78,7	29,1	29,1	158,7	158,7	58,7	58,7
2002	105,2	55,6	26,5	212	133,6	112	33,6
2003	144,0	94,4	38,8	290,3	136,8	190,3	36,8

Манба: Жадвал шартли маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Умуман жисмоний шахслар даромад солигининг бюджет даромадларида ва ЯИМдаги салмоғи камайиб борса-да, улар динамика қаторларида доимо ўсишга эга. Бу бюджет даромадларидағи айрим солик турлари динамикаси кескин ортганды ҳам, ўз таъсирини кўрсатади.

Эслатма: Жисмоний шахслар даромадига солик тўлаш уларнинг тақдим этган декларацияларига қараб қуйидаги муддатларда тўланади: - асосий иш жойидан ташкарида даромад олувчи жисмоний шахс резидентлар томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1- июнигача жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация маълумотига қараб, агар йил мобайнида солик қайта ҳисобланмаса, солик идораларига декларация топширгандан бошлиб бир ой муддатда; - тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар ўтган йил учун ҳисобланган солик суммасига қараб, ҳар чоракда йиллик солик суммасининг 25 фоизи миқдорида 15- марта, 15- май, 15- август ва 15- деқабрдан кечиктирмай соликни тўлайдилар, биринчи марта соликқа тортилаётган солик тўловчилар солик идоралари томонидан уларга жорий йил учун берган дастлабки даромад бўйича 25 фоиздан тўлаб борадилар, йил тугаши билан йиллик солик суммаси ҳақиқий олинган даромадга қараб ҳисоблаб чиқилади. Йиллик ҳақиқий даромаддан ҳисобланган солик суммаси фарқи келгуси йилнинг 15 мартаидан кечиктирмай тўланади, даромад манбаи тугаб қолган тақдирда - 15 кун ичида тўланади.

2-боб. Жисмоний шахслар мол-мулк солиги статистикаси

2.1. Жисмоний шахслар мол-мулк солиги тұловчилари ва солиққа тортиш объекті

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бүлган жисмоний шахслар мол-мулк солиги тұловчилари ҳисобланади.

Жисмоний шахсларни мол-мулк солигига тортишда солиққа тортиладиган объект икки гурухға бүлинади:

а) жисмоний шахсларнинг уй-жойлари, квартиralар, чорбөг ва бөг уйлар, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоатлар қиймати;

б) жисмоний шахсларнинг мулки бүлган автомобиллар, моторли қайықлар, вертолётлар, самолётлар ва бошқа транспорт воситалари двигаталларининг қуввати солиқ соилиш объекті бүлиб ҳисобланади.

Мулклар баҳолаш идоралари томонидан баҳоланмаган бүлса, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказлари учун 1800 минг сүм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ марказлари учун 800 минг сүм қилиб шартли қиймат белгиланған.

Солиқ ставкаси ҳар йили келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2.2. Солиқ суммаси ва унга таъсир этувчи омилларнинг статистик таҳлили

Белгиланған ставкага қараб мол-мулк солиги қуйидаги-ча ҳисобланади:

$$MM = Xo * Cc$$

Бу ерда: **ММ** – мол-мулк солиги суммаси;

Xo – солиққа тортиладиган мулк қиймати;

Cc – солиқ ставкаси.

Юкоридаги формуладан күриниб турибиди, мол-мулк солиги суммасига икки омил таъсир этади:

-солиққа тортиладиган мулк қийматининг ўзгариши;

-солиқ ставкаларининг ўзгариши.

Бириңчи омил таъсирини аниклаш мақсадида қуидаги-ча формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta MM_{(xo)} = (Xo_1 - Xo_0) * Cc_0$$

Иккинчи омил таъсирини яъни, солик ставкасини ўзга-ришининг мол-мулк солиги суммасига таъсирини қуидаги-ча аниклаймиз:

$$\Delta MM_{(cc)} = (Cc_1 - Cc_0) * MM_1$$

Иккалла омил таъсиридаги ўзгаришлар йигиндиси уму-мий ўзгаришни беради:

$$MM = MM_{(xo)} \pm MM_{(cc)}$$

Мол-мулк солигига таъсир этувчи омилларни ва улар солик суммасига қанча фоизга таъсир этаёттанини индекс-лар усули ёрдамида аникласа бўлади. Бунинг учун жорий ва базис давридаги мол-мулк солиги суммаларидан фойда-ланамиз.

Жорий даврда мол-мулк солиги суммаси:

$$MM_1 = Xo_1 * Cc_1$$

Базис даврида эса:

$$MM_0 = Xo_0 * Cc_0$$

Жорий ва базис даврлар нисбатини олсак, мол-мулк со-лиги индекси ҳосил бўлади:

$$JMM = \Sigma Xo_1 * Cc_1 / \Sigma Xo_0 * Cc_0$$

Индексдан фойдаланиб, ҳар бир омил таъсирини аниклаш мумкин. Соликка тортиладиган мулк қийматини ўзга-риши ҳисобига мол-мулк солиги индексига таъсирини кўра-миз:

$$JMM_{(xo)} = \Sigma Xo_1 * Cc_0 / \Sigma Xo_0 * Cc_0$$

Солик ставкасининг ўзгариши мол-мулк солиги индек-сига таъсири қуидагича ҳисобланади:

$$JMM_{(cc)} = \Sigma Xo_1 * Cc_1 / \Sigma Xo_0 * Cc_0$$

Иккала омил таъсири индекслари кўпайтмаси, умумий индексни беради:

$$JMM = JMM_{(xo)} * JMM_{(cc)}$$

Қуидаги жадвалларда жисмоний шахслар мол-мулк со-лигининг ЯИМдаги ва давлат бюджети даромадларидағи салмоқларини кўриб ўтамиз.

**Жисмоний шахслар мол-мулк солигини ЯИМдаги
салмоги**

38-жадвал

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
ЯИМ	100	100	100	100
Мол-мулк солиги	0,1	0,1	0,09	0,08

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

**Жисмоний шахслар мол-мулк солигини давлат бюджети
даромадларидағи салмоги**

39-жадвал

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003
Давлат бюджети даромадлари	100	100	100	100
Мол-мулк солиги	0,4	0,5	0,4	0,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Жадвал мъълумотларидан кўриниб турибдики, жисмоний шахслар мол-мулк солиги ЯИМдаги салмоги 2000 йилга қараганда 2003 йилда 0,02 фоизга камайган. Бюджет даромадларида эса бу вақтда ўзгармагани кўриниб турибди.

Эслатма: Жисмоний шахслар мол-мулк солигини жорий йилнинг 1- ноябригача тўлайдилар.

3-боб. Жисмоний шахслар ер солиги статистикаси

3.1. Ер солиги тұловчилари ва соликка тортиш объекти

Үз мулкида, әгалигида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар ер солиги тұловчилари бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахслар учун ер солиги объекти бўлиб куйидаги ер участкалари ҳисобланади:

-туар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қолдириладиган, умрбод әгалик қилишга берилган ер участкалари;

-якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод әгалик қилишга берилган ерлар;

-жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ерлар;

-хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлари;

-мерос бўйича ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда әгалик қилиш ҳукуқига эга бўлган ерлар;

-қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ерлар;

-тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки изараға берилган ер участкалари.

Ер солиги ставкалари ҳар йили кейинги йил учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ер участкаси жисмоний шахсга ажратилгандан сўнг ер әгасининг айби билан ёмонлашса, солик йил бошида белгиланган ставка билан ҳисобланади. Шаҳарлар ва шаҳар қўргонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга ерлар учун ер солиги қишлоқ хўжалиги ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баробари миқдорида ундирилади.

Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган

жисмоний шахслардан ер солиғи 1,5 баробар миқдорида ундирилади.

Агар ерлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат хокимияти органларининг қарорига мувофиқ ижарага олинган бўлса, жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига ижара ҳақи тўлайдилар. Ижара ҳақи томонларнинг келишуви асосида белгиланади, лекин бу ҳақ амалдаги ер солиғи ставкаларининг бир ставкасидан кам уч ставкасидан ортиқ бўлмаслиги керак. Ерлардан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилганда бир ставка миқдорида булиши лозим.

3.2. Солиқ суммасини ҳисоблаш ва унга таъсир этувчи омилларни статистик таҳлил қилиши

Белгиланган солиқ ставкасига қараб, солиқ суммаси куидагича ҳисобланади:

$$Cc = Em * Ct$$

Бу ерда: Cc – ер солиғи суммаси;

Em – солиққа тортиладиган ер майдони;

Ct – солиқ ставкаси.

Формуладан кўриниб турибдики, ер солиғи суммасига икки омил таъсир этяпти:

-солиққа тортиладиган ер майдони;

-солиқ ставкаси.

Ушбу омиллар таъсирини аниқлаш мақсадида қуйидаги формуулалардан фойдаланамиз:

а) солиққа тортиладиган ер майдонининг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta Cc_{(e)} = (Ec_1 - Ec_0) * Ct_0$$

б) солиқ ставкасининг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta Cc_{(cm)} = (Cm_1 - Cm_0) * Ec_1$$

Иккала омил таъсиридаги ўзгаришлар йифиндиси умумий солиқ суммасининг ўзгаришига teng бўлади:

$$\Delta Cc = \Delta Cc_{(e)} \pm \Delta Cc_{(ct)}$$

Статистик таҳлилларда индекслар усули ҳам кўп қўлланади. Ер солиғи индексидан фойдаланиб, ер солиғи сумма-

сига таъсир этувчи омилларни кенг даражада таҳлил қилса бўлади. Ер солиги индекси қуийдагича:

$$J_e = \Sigma E_{c_1} * C_{t_1} / \Sigma E_{c_0} * C_{t_0}$$

Ушбу индекс ёрдамида ер солигини атрофлича таҳлил қилиш мумкин.

Эслатма: Жисмоний шахслар ер солигини жорий йилнинг 1- ноябригача тўлашлари шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.; Узбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон:миллий истиқол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.; Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси. Т.; 1997.
5. Гадоев Э.Ф., Муродов А.М., Югай Л.П Ўзбекистон Республикасида солиқлар. Услубий қўлланма. Т.; Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996.
6. Абдуллаев Ё.А., Яҳёев Қ. Солик: 100 савол ва жавоб. Т.; Мехнат, 1997.
7. Яҳёев Қ. Солиқка тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент.; 2000.
8. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. Т.; 1993.
9. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Т.; Академия, 2002.
10. Под.ред. Д.Г.Черника. «Налоги» ЮНИТИ-Москва. 2002.
11. Е.В.Акчурина «Оптимизация налогообложения», Ось-89, 2003г.
12. Н.Грегори МЭНКЬЮ, «Принципы экономикс», Питер, Москва. 2003.
13. Набиев Х.Н. Макроиқтисодий статистика. Ўқув қўлланма. Т., 2000 йил.
14. Набиев Х.Н., Набижўжаев А., Маҳмудов Б. «Миллий ҳисоблар тизими», ТДИУ. Т., 1998.
15. Экономическая статистика. Учебник. Под.ред. Ю.Иванова. М, Инфра. 1998г.
16. Фойибназаров Б.Қ. «Миллий ҳисоблар тизими – макроиқтисодий таҳлил асоси». Тошкент, 2001.
17. Пардаев М, Турсунов Ҳ, «Иқтисодий таҳлил». Самарқанд, 2000й.
18. Шодиев Ҳ., Ҳамроев М. «Молия статистикаси». Тошкент, 2002.
19. Е.С.Вылкова, М.В.Романовский. «Налоговое планирование», Питер, Москва, 2004.
20. Л.Б.Хван. «Солик ҳуқуқи». Тошкент, 2001.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-Бўлим. Солиқ статистикасининг назарий асослари	
1-боб. Солиқ статистикаси фанининг предмети, методи ва вазифалари	5
2-боб. Солиқ статистикаси фанининг кўрсаткичлар тизими	9
3-боб. Солиқлар статистикасини ташкил этишда маълумот манбалари	12
4-боб. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, функциялари ва давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни. Миллий ҳисоблар тизимида солиқларнинг классификацияси	14
5-боб. Ўзбекистонда солиқлар тизими	20
6-боб. Солиқларни макроиқтисодий даражада статистик таҳлил килиши	23
II-Бўлим. Юридик шахслар солиқлари статистикаси	
1-боб. Даромад (фойда) солиғи статистикаси	30
2-боб. Кўшилган қиймат солиғи статистикаси	42
3-боб. Акциз солиғи статистикаси	49
4-боб. Мол-мулк солиги статистикаси	54
5-боб. Ер солиғи статистикаси	58
6-боб. Кичик корхоналарнинг ягона солиғи статистикаси	62
7-боб. Ягона ер солиғи статистикаси	66
8-боб. Савдо корхоналари тўлайдиган ялпи даромад солиғи статистикаси	70
9-боб. Экология солиғи статистикаси	73
10-боб. Ер остидан фойдаланганлик учун солиғи статистикаси	76
11-боб. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи статистикаси	80
12-боб. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи статистикаси	84
III-Бўлим. Жисмоний шахслар солиқлари статистикаси	
1-боб. Жисмоний шахслар даромад солиғи статистикаси	87
2-боб. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи статистикаси	95
3-боб. Жисмоний шахслар ер солиғи статистикаси	98
Фойдаланилган адабиётлар	101

Шавкат Шухратович Тұраев

Солиқлар статистикаси

(үкүв құлланма)

«Aksdemiya» нашриёти, 2004 йил

Рассом Р. Султонов

Мусаҳҳих Т. Соатова

Техник мұхаррир, компьютерчи Р. Султонов

Нашр учун масъул Д. Қобулова.

Теришга берилди 3.12.2004 йил. Босишига рухсат этилди
24.12.2004 йил. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма
табоги 6,38. Нашриёт ҳисоб табоги 6,0. Адади 500 дона. Баҳоси
шартнома асосида. Буюртма № 80

« Akadem -Xizmat» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳ күчаси, 45.

2560°.